

**Маҳмуд Ҳасаний**

# **УСТОД ВА ШОГИРД**

**Бурҳонуддин ал-Марғиноний  
ва Шайх ул-Имом аз-Зарнужий**

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти  
Тошкент — 2000

86.38

У 77

Масъул муҳаррир:  
Ўзбекистон Республикаси ФА академиги  
М.М. Хайруллаев

Тақризчилар:  
тарих фанлари номзоди Б. Абдуҳалимов,  
филология фанлари номзоди А. Ҳабибуллаев

**Ҳасаний, Маҳмуд.**

Устод ва шогирд: Бурҳонуддин ал-Марғинович ва Шайх ул-Имом аз-Зарнужий (Сўзбоши К. Норматовники).— Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000.—56 б.

Мазкур рисолада фикҳ (ислом қонуншунослиги) соҳасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Бурҳонуддин ал-Марғинович ва унинг шогирди, ўз даврида шайх ул-имом номини олган Бурҳонуддин аз-Зарнужий ҳамда унинг “Таълим ул-мутаъаллим” асари, унинг шарҳ ва таржималари ҳақида фикр юритилади. Яна “Таълим ул-мутаъаллим”нинг форс тилидан қилинган шеърый таржимасидан намуналар берилмоқда.

**ББК 86.38**

Т 4702620204 – 19  
М352(04) – 2000 режага қўшимча 2000

ISBN 5-635-01864-2

© Маҳмуд Ҳасаний, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 й.

## УЛУҒ ТҮЙ ТУҲАСИ

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов: “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”,<sup>1</sup> деган эдилар. Ҳа, тарихимизни билмай туриб, ўз қадр қимматимизни ҳам англаб етолмаймиз. Президентимиз айтган сўзларига амал қилган ҳолда ўзлари бош-қош бўлиб, тарихимизни чуқур ўрганиш, қадриятларимизни тиклаш, маънавиятимизни юксак поғонага кўтариш учун ҳаракат қилмоқдалар ва бош-қаларини ҳам бу олижаноб ишга тарғиб этмоқдалар.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли ўтмишда номларига қора тамға урилган олиму уламо ва машойихларнинг кўкрагига шамол тегди, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришилди. Муҳаддислар султони Имом ал-Бухорий, аниқ фанлар бўйича уламолар сардори Аҳмад ал-Фарғонийларнинг муборак тўйлари ҳали ёдимиздан кўтарилганича йўқ. Мустақиллигимизнинг илк даврларидаёқ Баҳоуддин Нақшбандга кўрсатилган буюк эҳтиром кишиларнинг қалбида фахр туйғусини уйғотди. Аг-Термизийнинг халқаро тўйи ислом маданияти вакилининг жаҳон маданияти ва маънавиятига қўшган ҳиссасининг ёрқин тимсоли бўлди. Куръони Каримнинг ўзбек тилига таржима қилиниши, Ҳадиси Шарифларнинг нашр этилиши ҳам маънавиятимиз тарихини ўрганишга кенг йўл очиб берди.

Президентимиз: “Ким бўлишдан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас”<sup>2</sup> деган эдилар. Мана шу кўрсатмага амал қилган ҳолда бу йил ўтмиш маданиятининг улўғ дарғалари Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳонуддин ал-Марғинонийларнинг тўйларини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқдамиз. Абу Мансур ал-Мотуридий, ҳақиқатан ҳам эътиқоднинг

<sup>1</sup> И. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 5-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 9-бет.

покланишига, тўғри йўлни билишга, одамларни ҳақиқий йўлдан чалғитадиган турли хил уринишларга зарба беришда катта хизмат қилди. Аллома ўзининг асарларида фитна туғдирувчи оқимларнинг сирини фош қилди ва улар тутган йўл нотўғри эканини исботлаб берди. Унинг эътиқод бўйича ёзган асарларини ўрганиш биз учун шу кунларда ҳам фойдадан холи эмас.

Ватандошимиз Бурҳонуддин ал-Марғинович ўзининг ўнлаб асарлари орқали комил инсонни тарбиялаш, покиза ҳаёт кечириш йўллари тараннум қилди. Ўзининг шеърлари орқали олим ва илмнинг фазилатларини кўкка кўтарди. Айниқса, “Ал-Ҳидоя” асари орқали ислом ҳуқуқшунослигининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг мазкур асари асрлар давомида қўлланма сифатида фойдаланилди, ўрганилди, шарҳлар ёзилди, таржима ва тадқиқ этилди.

Бизнинг наشريётимиз ҳам Бурҳонуддин ал-Марғиновичга бағишлаб ўтказиладиган улуг тўйга бир туҳфа ҳозирлади. Шарқшунос олим М. Ҳасаний томонидан ёзилган ва Бурҳонуддин ал-Марғинович ҳамда унинг машҳур шогирди Бурҳонуддин аз-Зарнужийга бағишланган рисоласини нашрдан чиқарди. Бу рисола буюк олимнинг тўйига муносиб туҳфа бўлади, деган умиддамиз.

**К. НОРМАТОВ,**  
*тарих фанлари доктори, профессор.*

## БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ БУЮК ФАҶИҲ ОЛИМ

Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23 сентябрда Риштонда (Риштон)да таваллуд топди. У дастлабки илмни Риштонда ва Марғилонда олиб, кейинчалик таҳсилни Бухоро ва Самарқандда давом эттирди<sup>1</sup>.

Ал-Марғиноний ёшлигидан илмга ташна ва чанқоқ бўлган. У ҳаёти давомида кўпгина фанларни эгаллаб бўлиб, бу соҳада ўзидан машҳур асарлар ёзиб қолдирган пайтда ҳам, ёшлигида янада кўпроқ ўқимаганига афсус қилади ва байтларидан бирида:

Лаҳфа ғала фавти-т-тақий лаҳфа,  
Ма куллу ма фота ва йафна йулқа.  
(Во ҳасрато, улуғ олимлар билан бўлган  
мулоқотни йўқотганимга во ҳасрато,  
Йўқолганга эришиб бўлмайди ва у қайтиб келмайди.)

деб, афсусланиб ёзади.<sup>2</sup> Олим илму фанга шу даражада ихлос билан қараганки, у дарс ўқиётганда ва бирорта асарнинг таснифига киришганда доимо таҳоратда бўлган ва асарини ёзиб тугатгунча рўза тутган.<sup>3</sup>

Ал-Марғиноний ўз ҳаёти давомида кўплаб олимлардан дарс олади ва уларни ўзининг устоди сифатида тилга олади. У “Китоб ул-машойих” (“Машойихлар ҳақидаги китоб”)ида 40 дан ортиқ уламо ва машойихларнинг номини тилга олади.<sup>4</sup> Масалан, у фикҳ илмини ўз даврининг машҳур фақиҳлари Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳусомуддин

<sup>1</sup> Хидоя. Комментарий мусулманского права. Ответственный редактор, автор вступительной статьи и комментариев профессор, доктор юридических наук А.Х. Саидов. Ташкент, “Узбекистан”, 1994, с. 40.

<sup>2</sup> Бурҳонуддин аз-Зарнужий. Таълим ул-мутаъаллим. Қозон, 1915 й., 1-бет.

<sup>3</sup> Хидоя Ҳомил ул-мутуни Бидоя. Калкутта, 1808 й., 1-бет.

<sup>4</sup> Қориев О. Бурҳонуддин ал-Марғиноний. “Буюк сиймолар ва алломалар” тўпламида. Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1995 й., 85-бет.

Умар ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Моза, Абу Умар Усмон ибн Али Пойкандий (ваф. 552/1177 й.), Тожуддин Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Бинодинжий, Аҳмад ибн Абдуррашид ал-Бухорий каби олимлардан олади. Ҳадис илмини эса Зиёуддин Абу Муҳаммад Саъид ибн Асъад ва Ҳасан ибн Али ал-Марғинонийлардан ўрганган.<sup>1</sup>

1149 йилда 25 ёшли Бурҳонуддин ҳаж сафарини амалга оширади.<sup>2</sup>

Узоқ йиллик мусофирчилик ва риёзатлардан сўнг Бурҳонуддин ал-Марғиноний ўз даврининг йирик олимига айланади. У Бурҳонуддин (Диннинг ҳужжати), Имом ва Шайх ул-ислом каби улуғ номларга мушарраф бўлади. Абдулҳай Лакнавий олим ҳақида ўзининг “Ал-Фавойид ул-баҳиййа фи тарожим ил-Ҳанафиййа” номли асарига уни имом, фақиҳ, ҳадисшунос, муфассир, фанларни тартибга солувчи, доно тадқиқотчи, муттақий (тақводор), адиб, шоир дейди ва фан ҳамда адабиётда тенги йўқ инсон сифатида таърифлайди.<sup>3</sup>

Буюк фақиҳ олим 1197 йили Самарқандда вафот этди.

## БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ “АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИ

Ал-Марғиноний ўз давридаги мадраса илмларини эгаллаб, машҳур уламолардан ҳам дарс олиб бўлгач, энди унинг ўзи ҳам китоб ёзишга киришади. У ўз ҳаёти давомида “Нашр ул-мазҳаб” (“Мазҳабнинг тарқалиши”), “Китоб ут-тажнис ва-л-мазид” (“Фуқаролик ҳуқуқини бериш ва кўпайтириш”), “Китоб ул-фароиз” (“Мерос тақсими ҳақида китоб”), “Мажмаъ ун-навозил” (“Нозил бўлган нарсалар мажмуаси”), “Маносик ул-Ҳаж” (“Ҳаж маросимлари”), “Китоб ул-мубтадий” (“Бошловчиларга илк китоб”), “Кифоят ул-мунтаҳий” (“Тугалловчиларга тугал китоб”), “Китоб ул-Ҳидоя” (“Тўғри йўл кўрсатувчи китоб”) каби асарларни ёзди.<sup>4</sup>

Ал-Марғиноний бошқа фанларга қараганда фикҳ соҳасида кўпроқ шуғулланди ва бу борада шайх ул-ислом лақабини олишга муваффақ бўлди. Фикҳ бу ислом қонуншунослиги ва ҳуқуқшу-

<sup>1</sup> Ҳидоя. Комментарий..., с. 41

<sup>2</sup> Каттаев К. Самарқандлик буюк алломалар. Самарқанд, “Зарафшон”, 1998 й., 83-б. Қориев О. Бурҳонуддин ал-Марғиноний, 86-бет.

<sup>3</sup> Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавойид ул-баҳиййа фи тарожим ил-Ҳанафиййа. Қозон, 1903 й., 171—174-бетлар. Ҳидоя. Комментарий..., с. 40.

<sup>4</sup> Ҳидоя. Комментарий..., с. 41. Қориев О. Бурҳонуддин Марғиноний, 86-бет.

нослиги бўлиб, фикҳ сўзининг ўзи “чуқур билим” маъносини, фақиҳ эса шу фан билан шуғулланувчи олим маъносини билдиради. Ислом шариатида фикҳ илмини ўрганиш улуғ ишлардан саналган. Шунинг учун ҳам, фақиҳ олим Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа: “Илми фикҳнинг бошқа илмлардан афзаллигига ҳадислар кўпдир ва унинг ўзга илмлардан беҳроқ ва яхшироқлигига далиллар машҳурдир. Илми фикҳдан таълим олмоқ Қуръоннинг ҳаммасини ўрганмоқдан афзалдир, чунончи, “Хулоса” китобида мазкурдир”, деб ёзган эди.<sup>1</sup>

Муҳаммад алайҳис салом фикҳ илмини ўрганишга тарғиб қилувчи кўплаб ҳадис айтганлар. Исломнинг аввалида бу соҳа билан Расулulloҳнинг ўзлари, кейинчалик саҳобалар шуғулланган. Вақт ўтиши билан бу соҳани тўлиқ эгаллаган мужтаҳидлар (ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга бўлган кишилар) шуғулландилар. Асосан мазҳаб бошлиқлари бу соҳада катта ишларни амалга оширдилар. Ҳанафия мазҳабининг асосчиси Имоми Аъзам (ваф. 767 й.) ўзининг “Фикҳ ул-Ақбар” (“Катта фикҳ китоби”)да мазкур масалаларни тўлиқ ёритиб берди. Кейинги асрларда юзлаб фақиҳ олимлар етишиб чиқдилар ва фикҳга оид ўзларининг қимматли асарларини ижод қилдилар.

Ал-Марғиноний ҳам ана шундай олимлар сирасига киради. У аввало бу соҳани ёритувчи “Китоб ул-Мубдатий” асарини ёзди. Бу асар фикҳ илмини ўрганишни янги бошловчиларга атаб ёзилган эди. Кейинроқ у мазкур асарини кенгайтирди, уни 8 жилдга етказди ва “Кифоят ул-мунтаҳий” деб атади. Олим бу асарлардан кейин янада фойдаланишга қулайроқ бир асар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва шундай асар вужудга келади. Муаллиф бу асарни “Ҳидоя фи шарҳ ил-Бидоя” (“Бидояга ёзилган Ҳидоя шарҳи”) деб атайди. Бу асар Шарқ оламида “Ҳидоя”, “Ҳидоя фи-л-фуруъ”, “Ҳидоя фи шарҳ ил-Бидоя” каби номлар билан аталган. Бироқ унинг қисқача “Ҳидоя” номи кенг тарқалган.

“Ҳидоя” 1178 йили Самарқандда ёзиб тугатилган. Муаллиф бу асарни ёзиш учун умрининг ўн уч йилини сарф этган. Бу муддат ичида ҳар куни рўзада бўлган.<sup>2</sup> Асар фойдаланишга қулай бўлгани, фикҳий масалаларнинг аниқ ва равшан тушунтирилиши сабабли тез орада катта шухрат қозонди. Қўлёзма ҳолида кенг тарқалди. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёз-

<sup>1</sup> Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд ёки “Мухтасар ул-Виқоя”нинг ўзбекча шарҳи. Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва бошқалар. Тошкент, “Адолат”, 1995 й., 6-бет.

<sup>2</sup> Ҳидоя Ҳомил ул-мутуни Бидоя. Сўзбоши муаллифи Муҳаммад Рошид. Калькутта, 1808 й., 5-бет.

малар хазинасида унинг турли даврларда кўчирилган 80 дан ортиқ қўлёзма нусхаси сақланмоқда.

“Ҳидоя” кенг илмий жамоатчилик қўлига тушгач, уни ўқиб-ўрганишдан ташқари, унга шарҳ (тушунтириш)лар ёзилди. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида “Ҳидоя”га турли даврда ёзилган ўн бешдан ортиқ шарҳлар сақланмоқда. Бундан ташқари, “Ҳидоя” асосида бунёд қилинган ўндан ортиқ асарларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан, бухоролик фақиҳ Маҳмуд ал-Маҳбубий “Ҳидоя” асари асосида “Виқоят ур-ривоя фи масоил ил-Ҳидоя” (“Ҳидоя масалалари ҳақида ривоятларни асраш”) номли асар ёзади. Муаллифнинг набираси Убайдуллоҳ ибн Масъуд бобосининг бу асарини қисқартириб, “Мухтасар ул-Виқоя” (“Виқоя асарининг қисқартмаси”) номли китобини бунёд қилади. “Мухтасар”га эса ўндан ортиқ шарҳ ёзилган, форс ва ўзбек тилларига насрий ва шеърий таржималар қилинган.<sup>1</sup>

“Ҳидоя” асари тўрт жилддан иборат бўлиб, ўз ичига 57 китобни олади. Ҳар бир китоб ўз навбатида боб ва фаслларга бўлинади. Биринчи жилд 5 китоб, иккинчи жилд 14 китоб, учинчи жилд 22 китоб ва тўртинчи жилд 16 китобдан иборат.

“Ҳидоя” асари асрлар давомида қозилар ва бу соҳа билан қизиқувчилар учун қўлланма вазифасини бажариб келган. “Ҳидоя” мумтоз тадқиқот сифатида, — деб ёзадилар А. Саидов ва А. Жузжоний, — ҳар бир қозининг биринчи ёрдамчиси, шариатнинг энг қийин масалаларини ва ҳуқуқий чигалликларини ҳал этишда раҳбар қўлланма бўлган”.<sup>2</sup> Бироқ у кўп асрлардан буён олимларнинг диққатини ўзига тортиб келаётган бўлса-да, ўзбек тилига таржима қилинмади. 1776 йилда Ғулом Яҳёхон Баҳорий бошлиқ тўрт киши уни форс тилига таржима қилдилар.<sup>3</sup> Форс тилидан инглиз тилига таржима қилинди, ундан эса рус тилига қисқартма таржимаси пайдо бўлди.<sup>4</sup>

Шундай қилиб, “Ҳидоя” асари ўзида Ислом фикҳ масалаларини мужассам қилган асарлиги ва фикҳшунослик тарихини ўрганишда муҳим манба эканлиги билан ҳамон ўз қимматини йўқотмай келмоқда.

## АЛ-МАРҒИНОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг меросини тўлиқ эгаллаб, бу соҳада фаолият кўрсатган олимлардан бири — унинг ўғли

<sup>1</sup> Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ ул-Мақсуд, 630-бет.

<sup>2</sup> Саидов А., Жузжоний А. Шарҳ ва инсон ҳуқуқлари. Тошкент, 1998 й., 108-бет.

<sup>3</sup> Ҳидоя Ҳомил ул-мутуни Бидоя, 3-бет.

<sup>4</sup> Ҳидоя. Комментарий..., с. 40.



Низомуддин ибн Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғиноний эди. Низомуддин фикҳ илмига оид “Жавоҳир ул-фикҳ” (“Фикҳ жавоҳирлари”) номли асар ёзган бўлиб, унинг ҳозирча ягона нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида 9533 рақами билан сақланмоқда. Асар 740/1339 йилда Муҳаммад Ҳожи Саъидуддин Муҳаммад ибн Исо аш-Ширвоний томонидан Сарой ул-Жадида (Янги сарой) деган жойга кўчирилган. Асарнинг бошланғич саҳифалари йўқолган. Унинг 1339 йилда кўчирилганини ҳисобга олсак, демак у муаллиф яшаган даврга яқин бўлган энг қадимий нусхадир.

“Жавоҳир ул-фикҳ” асарининг саҳифаларига муҳрлар урилган бўлиб, ҳар бир муҳрда Хожа Муҳаммад Порсо номи бор. Демак, у Муҳаммад Порсо кутубхонасида сақланган. Муҳаммад Порсо эса Баҳоуддин Нақшбанднинг сеvimли шогирди, тасаввуф ва шариатта оид машҳур “Фасл ул-хитоб”, “Рисолайи қудсийа” каби ўнлаб асарларининг муаллифи эди. Порсонинг катта китоб хазинаси бўлиб, унда сақланган асарларнинг ўнлаб нусхалари ЎзР ФА шарқшунослик институти хазинасидан ўрин олган.

“Жавоҳир ул-фикҳ” асари 46 китобдан иборат бўлиб, мундарижаси “Ҳидоя” никига ўхшаб кетади.<sup>1</sup> Асарда Имоми Аъзам, Абу Юсуф, Муҳаммад каби буюк фақиҳ олимларининг номлари тез-тез такрорланиб туради. Фикҳга оид асарлардан “Салоти Масъудий”, “Китоб ут-тажрид”, “Мухтасар ут-Таҳовий”, “Мухтасар ул-Жасос” ва ал-Марғинонийнинг “Бидоят ул-мубтадий” номларини кўриш мумкин. Демак, “Жавоҳир ул-фикҳ” ҳам фикҳшуносликка оид Самарқандда ёзилган муҳим манбалардан бўлиб, уни ўрганиш ва тадқиқ этиш олдимизда турган вазифалардан биридир.

Ал-Марғинонийнинг кейинги даврда яшаган авлодлари ҳам йирик фикҳшунос олимлардан бўлган. Самарқандлик олим К. Каттаевнинг таъкидлашича, ал-Марғинонийнинг авлодлари 400 йил давомида шайх ул-исломлик мансабини эгаллаб келганлар. Масалан, Амир Темур даврида Абдулмалик, Улуғбек даврида Исомуддин, Абу Саъид Мирзо даврида Бурҳонуддин ва Низомуддин, Бобурмирзо даврида Абулмакорим бу мансабда бўлганлар.<sup>2</sup> Бу шахсларнинг ҳаёти ҳали ўрганилган эмас. Бироқ улардан Мавлоно Исомуддин ҳақида кўпроқ маълумот етиб келган. Шундай маълумотлардан иккитаси Али Сафийнинг “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт” асарида мавжуд.

<sup>1</sup> Низомуддин ибн Бурҳонуддин Али ибн Бакр ал-Марғиноний. Жавоҳир ул-фикҳ. ЎзР ФА ШИ Қўлёзмалар хазинаси, инв. № 9533, 1—3-бетлар.

<sup>2</sup> Каттаев К. Самарқандлик буюк алломалар. Самарқанд, “Зарафшон”, 1993 й., 96-бет.

Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг иқтидорли шогирди Хожа Муҳаммад Порсо кучли каромат соҳиби бўлса-да, бироқ буни иложи борича яширишга ҳаракат қилган. Аммо қаттиқ зарурат туғилгандагина уни ошкор қилишга мажбур бўлган. Шундай воқеалардан бирининг тафсилоти қуйидагича:

Муҳаддис олимларининг пешвоси шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Жазарий алайҳир раҳма Мирзо Улуғбек замонида Самарқандга келган эдилар. Баъзи ғаразгўй кишилар: “Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода кўп ҳадисларни нақл қиладилар, уларнинг иснодлари тўғри ёки нотўғрилиги ҳеч кимга маълум эмас”, дейишади.

Ҳазрати Шайх бу ишнинг пайига тушдилар, Мирзо Улуғбекни ҳам бунга кўндириб, Бухорога одам юбордилар ва Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо)нинг Самарқандга келишларини илтимос қилдилар. Шундай қилиб, Шайх Самарқанднинг шайх ул-исломи бўлган Хожа Исомуддин ҳамда уламоларнинг энг улуғлари билан бирга катта мажлис ташкил қилдилар. Хожа Муҳаммад ҳам мажлисга етиб келдилар. Шайх ундан илтимос қилиб, исноди билан биргаликда бир ҳадис айтишни сўрадилар. Хожа Муҳаммад айтгач, Шайх: “Бу ҳадиснинг тўғрилигига шубҳа йўқ, бироқ унинг исноди бизга маълум эмас”, дедилар. Бу сўздан ҳасадчилар хурсанд бўлиб, бир-бирига кўз қисдилар. Хожа Муҳаммад эса бу ҳадиснинг иккинчи иснодини ҳам айтиб бердилар. Шайх яна ўзининг юқоридаги сўзини такрорлади. Хожа Муҳаммад қанча иснод айтса ҳам бу ерда мақбул бўлмаслигини фаҳмладилар. Сўнг бир лаҳза муроқабга берилдилар, бироз сукутдан кейин Шайхга қараб: “Сиз фалон ҳадис китобини тан оласизми ва ундаги иснодларни мўтабаб деб ҳисоблайсизми?”— дедилар. Шайх: “Ҳа, у китоблардаги иснодларнинг ҳаммаси эътиборли ва ишончга лойиқдир, ҳадис фанини таҳқиқ этувчилардан ҳеч ким унга шубҳа қилмайди, агар сиз айтган иснодлар шу китобда бўлса, у пайтда бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ”,— дедилар.

Ҳазрати Хожа (Муҳаммад Порсо) Хожа Исомуддинга қараб: “Сизнинг кутубхонангизда фалон тоқчада, фалон китобнинг тагида фалон рангли ва фалон жилдли китоб бор, унда биз айтган иснод фалон варақдан сўнг фалон саҳифада батафсил келтирилган, илтифот қилиб, ходимларингиздан бир кишини юборсангиз, уни тезда олиб келса”,— дедилар.

Хожа Исомуддин, бу иснод ўша ерда борми-йўқми, деб иккиланиб турарди. Мажлисдагилар эса ҳангу манг бўлиб, ҳаммаси ўйга толган эдилар. Ҳазрати Хожанинг бу шахсий кутубхонада бўлмаганликлари ҳаммага маълум эди. Шундай қилиб, Хожа Исомуддин ўз яқинларидан бирини зудлик билан уйига юбориб, агар айтилган нарсалар у ерда бўлса, олиб келишни буюрди. У киши айтилган белгилар бўйича китоб ва иснодни топиб,

мажлисга келтирди. Айтилган ҳадис ўша иснодлар билан ўша саҳифада ҳеч бир тафовутсиз мавжуд эди. Буни эшитган мажлис аҳдидан ҳайрат овозлари баланд кўтарилди. Шайх ва бошқа уламолар таажжуб ичида қолдилар. Айниқса, Хожа Исомуддиннинг ҳайрати бошқаларникидан зиёда эди, чунки у бу иснодли китобнинг ўз уйида борлигидан беҳабар эди. Бу қиссани эшитган Мирзо Улуғбек Ҳазрати Хожани чақиртирганидан хижолат бўлди. Ҳазрати Хожадан юз берган бу қаромат одамлар орасида уларнинг шуҳратини ошириб юборди ҳамда аъёну акобирларнинг уларга нисбатан ақидаларини мустаҳкамлади.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ўзи эмас, авлодлари ҳам Мовароуннаҳрда фикҳ илми соҳасида катта мартабага эга бўлиб, бу фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган эканлар.

## **БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ ИЛМ, ОЛИМ ВА ТОЛИБИ ИЛМ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ**

Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳаёти давомида тинимсиз ўқиш ва чуқур билим олишга интилди. У дунё кезди ва қаерда бир катта олим бўлса, ундан ўрганишга интилди. У ўзининг “Китоб ул-машойих” номли асаридида ўзи таълим олган 40 дан ортиқ уламнинг номини санаб ўтган.<sup>2</sup> Умрининг охирида эса қанчалаб олимларни кўргани ва улардан янада самаралироқ фойдалана олмагани ҳақида афсусланади. Олим илмга юқори баҳо беради.

У ўзининг араб тилида ёзган шеърлари орқали олим, илм ва толиби илм ҳақида ажойиб фикрларни баён қилганки, бу фикрлар худди бизнинг кунда ёзилгандек жаранглаб туради. Масалан, у олим ҳақида ёзаркан, ижтимоий ҳаётда олимнинг тутган йўли катта таъсирга эга эканини, бузуқ эътиқодли олим динни, шариатни, илмни ва халқни бузиб юбориши мумкинлигини айтади ва бундай олимни қаттиқ қоралайди:

Фасодун кабийрун олимун мутаҳаттик,  
Ва ақбару минҳу жоҳилун мутанассик.  
(Бузуқ олим (дин ва илм учун) катта бузилишдир,  
Кўр-кўрона эргашувчи нодон эса бундан ҳам баттардир.)<sup>3</sup>

Олим эътиқоди ва феъли бузуқ олимни “Фасодун кабийр” (катта бузилиш) деб атайди. Бу эса буюк ватандошимиз Абу

<sup>1</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айн ил-ҳаёт. Лакнав, 1890 й., 56—57-бетлар.

<sup>2</sup> Қориев О. Бурҳонуддин ал-Марғиноний, 85-бет.

<sup>3</sup> Бурҳонуддин аз-Зарнужий. Таълим ул-мутаъаллим. Қозон, 1915 й., 12-бет.

Мансур Мотуридий фикрларига ҳамоҳанг бўлиб, у ҳам ўша даврдаги бузуқ фикрли оқим намояндаларига қарши ўз асарлари билан кураш олиб борган эди. Ал-Марғиноний бузуқ олимнинг зарари элга қанча катта бўлса, нодон ва жоҳил одамларники ундан ҳам баттар бўлишини айтади ва одамларни илм ўқишга тарғиб этади. Олимнинг фикрича, бу икки тоифа, яъни бузуқ олим ва илмсиз нодон кишилар дин ва илмда катта фитна пайдо қилади:

Хума фитнатун фи-л-олаамийна азийматун,  
Ли-ман биҳима фи дийниҳи йатамассик.  
(Бу икки тоифа олам ичида,  
Ўзларига эргашувчилар учун катта фитнадир).<sup>1</sup>

Демак, бузуқ олим одамларни ўз орқасидан эргаштириб, оламда бузуқликлар пайдо қилганидек, нодон одамлар ҳам, илмга суяниб иш қилмаслиги туфайли, ўзига ишонувчи ва эргашувчиларнинг ҳаётига фитна солади. Демак, олим киши тўғри бўлиши, нодон эса илм олиши, шундагина ўзига ҳам, халққа ҳам фойда етказиши мумкин.

Ал-Марғиноний устозни қаттиқ ҳурматлашни буюради. У ўзининг устозларини “Китоб ул-машойх” асарида ёдга олиб, ҳурмат изҳор қилгани ҳам шундан далолат беради. “Устозимиз, шайх ул-ислом Бурҳонуддин ҳикоя қиладиларки, — деб ёзади бу ҳақда унинг шогирди аз-Зарнужий, — Бухоронинг улуғ имомларидан бири дарс айтаётиб, гоҳ ўтирар ва гоҳ ўрнидан турар эди. Бунинг сабабини сўрадилар. Айтди: “Устозимнинг ўғли кўчада болалар билан ўйнар эди ва баъзида масжид эшигига яқинлашиб келарди. Ҳар гал уни кўрганимда устозимга нисбатан бўлган ҳурмат туфайли ўрнимдан турардим”.<sup>2</sup>

Демак, ал-Марғиноний ўз шогирдларига дарс асносида устозни ҳурматлаш одобларини ўргатган. Шарқда устозни ҳурматлаш ҳақида йўл-йўриқлар ва қоидалар мавжуд бўлиб, олим ҳам шундай қоидаларга амал қилишни қаттиқ талаб этган. Олимнинг фикрича, шогирд илм ўқишга киришдими, ўз устозининг сўзидан чиқмаслиги ва айтганларига қаттиқ амал қилиши керак. Акс ҳолда шогирд ўз мақсадига етолмайди. “Аввалги замонларда илм толиблари, — дейди олим ўз шогирдларига, — илм ўрганишда ихтиёрларини устозларининг қўлларига топширар эдилар ва муроду мақсадларига етар эдилар. Ҳозирда эса ўз ихтиёрларича иш тутадилар, натижада илму фан ва фикр борасида ўз мақсадларига етолмайдилар”.<sup>3</sup> Улуғ олимнинг бу фикрини ҳозирги кунда ҳам тўғридан-тўғри қабул қилиш мумкин.

<sup>1</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 9-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 11-бет.

Ал-Марғинович устозни ҳурмат қилиш билан бир қаторда китобни ҳам эъзозлаш ва унга ҳурмат кўзи билан қарашни талаб этади. “Машойхлардан бири,— деб айтади ал-Марғинович,— китоб устига сиёҳдонни қўйган фикҳ олимига қарата: “Илмингдан самара топмайсан”, деган эди.<sup>1</sup> Бу билан олим китобни кўз қорачуғидек асраш лозимлигини, китобни азиз тутиш илмга нисбатан ҳурмат белгиси эканлигини уқтиради. Бу эса ҳозирги талабалар ҳам амал қилиши зарур бўлган қоидалардан биридир.

Ал-Марғинович жоҳиллик ва нодонлик, илмсизликка қарши ашаддий ўт очади. У ўз шеърларида илм ўқимаган ва жоҳилликда қолган кишиларни қаттиқ танқид қилади. Жоҳилликнинг зарарларини қайта-қайта уқтириб ёзади.

Ва фи-л-жаҳли қобла-л-мавти мавгун ли-аҳлиҳи,  
Фа-ажсомухум қобла-л-қубури қубурун.  
(Нодонликдаги кишилар ўз аҳли учун ўлмасдан  
бурун ўликдирлар,  
Баданлари эса қабрга кирмай туриб тупроқдир.)

Олимнинг фикрича, жаҳолатда қолган нодон одам тирикликдаёқ ўлик ҳисобланади. Ҳар қандай киши илм билан ўз қалбини тирилтирмаган бўлса, у ўлик, ҳатто бундай одам қиёматда ҳам тирик ҳисобланмайди. Бунга олимнинг қуйидаги мисралари далолат қилади:

Ва ин имруъун лам йухйи би-л-илми фа-маййитун,  
Фа лайса лаху-н-нушури нушурун.  
(Киши илм билан тирилмаган бўлса, бас, у ўликдир,  
Тиргизиш пайтида ҳам унга тирилиш йўқ.)

Ал-Марғинович ҳар бир сўзида жоҳил билан олим одамни солиштиради, илм аҳли нодон одамга нисбатан қандай улуг эканини исботлашга уринади:

Аху-л-илми ҳаййун холидун баъда мавтиҳи,  
Ва авсолуху таҳта-т-туроби ромимун.  
(Илм соҳиби ўлгандан сўнг ҳам тирикдир,  
Гарчи унинг суяклари тупроқ остида  
чириб кетган бўлса ҳам).

Дарҳақиқат, илмда камолга етган ва ўзидан асарлар ёдгор қолдирган кишилар тирик эканликлари кундалик ҳаётимиздан

<sup>1</sup> Ўша асар, 9-бет.

ҳам маълум. Олим яна нодон ҳақида фикр юритади ва у гарчи тирик юрган бўлса ҳам, аслида ўлик эканини, ўликлигига эса илмсизлиги сабаб эканини ёзади:

Зу-л-жаҳли маййитун ва ҳува йамши ғала-с-саро,  
Йузанну мина-л-аҳёи ва ҳува ғадиймун.  
(Нодон киши ер устида юраётган бўлса ҳам аслида ўликдир,  
У гарчи тирик гумон қилинса ҳам аслида ҳаёти йўқ)<sup>1</sup>

Ал-Марғиноний илм ва олим, илмга эга бўлишнинг фази-латлари, жоҳил ва нодонлик зарарлари ҳақида газал ёзган бўлиб, бу газални илм ҳақидаги буюк бир дoston ёки илмга айtilган улуг мадҳия деб айтиш мумкин. Аз-Зарнужийнинг айтишича, олим бу шеърни ёзиб, ўз шогирдлари, жумладан, аз-Зарнужийга ҳам ўқиб берган. Шеър қуйидагича бошланади:

Изи-л-ъилми аъла рутбатан фи-л-маротиби,  
Ва мин дунихи ғиззу-л-ъула фи-л-мавокиби.  
(Мартабалар ичида илм улуг мартабадир,  
Бошқа мартабалар от устида бўлса илм олдида пастдир.)  
Фа зу-л-ъилми йабқо ғиззуху мутазоъифан,  
Ва зу-л-жаҳли баъда-л-мавти тахта-т-тайориби.  
(Илм соҳибининг иззати (ўлгач ҳам) кўпаяверади,  
Нодон ўлгандан сўнг тупроқ остида хордир.)

Кўришиб турибдики, ал-Марғиноний илмни барча амал ва мартабалардан юқори қўймоқда. Демак, олим учун ҳар қандай амал ва мартабанинг қизиғи йўқ, илм мартабаси унинг учун олий мартабадир. Олимнинг ёзишича, илм мартабаси кундан-кунга ошаверади ва олим эса фазилатда юқорилашаверади. Олим ўлгандан кейин ҳам тирик бўлиб, мартабаси улуг, нодон эса ўлгандан сўнг унутилади ва тупроқ остида хор бўлади. Олим катта амал эгаси ёки улуг лашкару лашкарбошилар ҳам илмли одамнинг мартабасига етолмаслигини алоҳида байтда баён қилади:

Фа-ҳайҳота ло йаржу мадоҳу ман иртақа,  
Руқиййа валиййа-л-милки ва ила-л-катоиби.  
(Катта бойлик эгалари-ю, лашкар соҳиби ҳам,  
Илм чўққисидан узоқ ва унга ета олмайди.)

Шундан сўнг олим илмдаги фазилатларни бирма-бир баён қилишга ўтади ва илм толибларига қарата мурожаат қилади:

<sup>1</sup> Ўша асар, 14-бет.

Саумли ғалайкум баъза ма фийҳи фасмиъу,  
Фа фи-ҳасрун ған зикри кулли-л-маноқиби.  
(Мен сизга илмда бўлган фазилатларнинг баъзиси  
ҳақида ёзаман,  
Эшитингки, бу ёзганим илмдаги барча фазилатларни  
ўз ичига олган.)

Олим илмни нурга ўхшатади, бу нур эса одамнинг қалбини ёритади ва жаҳолат ботқоғидан қутқаради. Нодон кишида илм бўлмагани учун унга нурдан насиба йўқ, демак, у абадий қоронғулик ва зулмат ичида хор бўлиб қолаверади. Бу мазмун куйидаги байтларда ўз ифодасини топган:

Хува-н-нуру кулли-н-нуру йаҳдий ғани-л-ъума  
Ва зу-л-жаҳли марра-д-даҳри байна-л-ғайоҳиби.  
Хува-з-зарвату-ш-шаммоу таҳми мина-т-тажо,  
Илайҳа ва йамси оминан фи-н-навоиби.  
(У нурдир ва барча нур зулматдан қутқаради,  
Жаҳолат эгаси барча замонда зулмат ичрадир.  
У (нур) баланд тоғ чўққиси, йиқилишдан ҳимоя қилади,  
Қийинчиликлардан омон ҳолда кечга кириб боради.)

Олимнинг таъкидлашича, илм соҳиби ўзини ғафлатдан қутқариб қолмай, бошқа одамларни ҳам ғафлат уйқусидан уйғотади. Илм билан кишининг руҳи ҳам азоблардан қутилади, киши тириклик чоғида илмдан фойда олибгина қолмай, балки охират азобларидан ҳам омонда бўлади:

Биҳи йантажий ва-н-носу фи ғафалотиҳим,  
Биҳи йартажий ва-р-руҳу байна-т-тавоиби.  
Биҳи йашфаъу-л-инсону ман роҳа ғосийан,  
Ила дарки-н-нийрони шарри-л-ъавоҳиби.  
(У билан илм соҳиби ва бошқа одамлар ҳам  
ўз ғофилликларидан қутилади,  
У билан одам, ҳатто руҳ ҳам азобдан қутилишни  
умид этади.  
Гуноҳлари бўлиб, осий ҳолда (у дунёга) сафар  
қилган киши,  
У билан охиратнинг ёмон жойи (дўзах олови)дан  
шафоат топади.)

Олимнинг фикрича, илмни излаган одам ўзининг барча орзу-истакларини излаган бўлади, кимки илмни мукаммал эгаллаган бўлса, у орқали барча мақсадларига етган бўлади. Илм — барча мартабаю даражаларнинг юқори чўққисидир, илм мартабаси олдида барча мартабаларнинг қадр қиммати йўқ:

Фа-ман ромаху роми-л-маориба куллаҳа,  
Ва ман ҳозаху қод ҳоза кулла-л-матобиби.  
Ва ҳува-л-мансабу-л-ъолий ё соҳиба-л-ҳажа,  
Иза нилтаху ҳаввин би-фавти-л-маносиби.

(Демак, кимки илмни истаса, барча орзуларини  
истаган бўлади,

Кимки уни жамласа, демак, барча мақсадларини  
жамлаган бўлади.

Эй ақл соҳиби, у (илм) даражаларнинг олийсидир,  
Унга эришолсанг, бошқа даражаларнинг йўқлиги  
сен учун ҳеч нарсадир.)

Ал-Марғиноний илм ҳақидаги бу муборак мадҳия ниҳояси-  
да толиби илмга қарата мурожаат қилар экан, илмни дунёдаги  
энг буюқ неъмат деб атайди ва ҳар кимда дунё неъматлари бўлма-  
са ғам емаслиги ва илм неъматининг борлиги унинг учун буюқ  
шараф эканлигини айтади:

Фа-ин фотака-д-дунйа ва тийбу наъиймуҳа,  
Фа-ғаммиз фа-инна-л-ъилма хойру-л-мавоҳиби.  
(Агар сенда дунё ва унинг хуш неъматлари бўлмаса,  
Бундан кўз юм, чунки илм неъматларнинг энг  
яхшисидир.

Ал-Марғиноний илмга киришган талабаларга қаттиқ ҳара-  
кат қилишни, сустлик ва дангасалик қилмасликни уқтиради ва  
уларга ўзини мисол қилиб кўрсатиб: “Илмда шерикларим ус-  
тидан ғалаба қилишимнинг сабаби шуки, сустлик ва дангаса-  
лик ҳеч қачон менга йўл топмади”, дейди.<sup>1</sup>

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, устод Бурҳон-  
нуддин ал-Марғиноний илм тарғиботи билан ёшларни ўқиш-  
ларига ва ҳақиқий илм соҳиби бўлишларига жон-жаҳдлари би-  
лан уринган. Ҳақиқатан ҳам, Бурҳонуддин ал-Марғиноний каби  
буюқ ватандошларимиз туфайли ватанимиз ўтмишда олиму  
фузалоларга тўлган ва илму фан гуллаб-яшнаган. Ал-Марғино-  
ний ўз шогирдларига нисбатан меҳрибон бўлгани ва шу туфай-  
ли кўпгина шогирдлар ундан баҳра олиб, ўз даврининг улўф  
олимларига айланганлари шубҳасиздир.

## УСТОЗГА ЭРГАШГАН ШОГИРД

Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг илм, олим ва толиби илм  
борасидаги фикрлари ва шеърятидан парчаларнинг бизгача

<sup>1</sup> Ўша асар, 10-бет.



етиб келгани учун унинг шогирди Бурҳонуддин аз-Зарнужийдан миннатдор бўлишимиз керак. Ўз давридаёқ илму фанда камолга етиб, ўз устози каби Имом ва Бурҳон ул-Ислом (Ислом хужжати) номларига сазовор бўлган Бурҳонуддин аз-Зарнужий ўз устозига нисбатан садоқат кўрсатиб, унинг шеърлари ва илм ҳақидаги фикрлари тарихда сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Аз-Зарнужий ўз даврининг масжид ва мадрасалари учун таълим-тарбия дастурини ишлаб чиқди ва бу дастурни “Таълим ул-мутаъаллим” (“Илм ўрганувчиларга таълим китоби”) деб атади. Асарда талабанинг илм олиши, бунда нималарга аҳамият бериши, ўқиш ва ёдлашда қандай қоидалар мавжудлиги, устоз ва шогирднинг ўзаро муносабатлари, талабанинг еб-ичиши, дарс ўқийдиган соатлари, борингки, дарс билан боғлиқ барча-барча масалалар ўз ифодасини топган.

Аз-Зарнужий ўз асарида улуғ уламоларнинг номларини ва илм билан боғлиқ фикрларини келтиради. Бу олимлар ичида янги-янги номларни учратамиз. Уларнинг баъзилари Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг замондошлари, баъзилари эса устозларидир. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги шоир бўлган ва шеърларидан парчалар келтирилган. Булар Муҳаммад ибн Ҳасан, Қивомуддин ибн Ҳаммод ибн Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Ансорий, Рукнуддин Адиб ал-Мухтор, Али ибн Абутолиб, Садидуддин Шерозий, Абу Таййиб, Абу Наср ал-Саффор ал-Ансорий, Ҳасан ибн Вали ал-Марғиноний, Халил ибн Муҳаммад ан-Насафий, Наср ибн Ҳасан ал-Марғиноний, Юсуф ал-Ҳамадоний ва бошқалардир.

Хожагонлар тариқатининг асосчиси Юсуф Ҳамадонийнинг шоир бўлгани ҳақида ҳозиргача манбаларда маълумот учратмаган эдик. Аз-Зарнужий унинг арабча шеърларидан намуна келтиради. Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний эса Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ҳадис илмидаги устозларидан бири эди.<sup>1</sup> Бу олим айни пайтда аз-Зарнужийнинг ҳам устози бўлган. Муаллиф ёзади: “Улуғ шайх, имомлар муфтийси, ал-Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний бизга шеър ўқиган эди:

Ал-жоҳилуна фа-мавта қобла мавтиҳим,  
Ва-л-ъолимуна ва ин моту фа-аҳёун.  
(Нодонлар ўлмасидан бурун ўликдир,  
Олимлар эса, ўлсалар ҳам, барибир тирикдирлар.)<sup>2</sup>

Демак, Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳам аз-Зарнужий ҳам бу улуғ олимдан таълим олганлар ва шеърятда ҳам унинг изи

<sup>1</sup> Хидоя. Комментарий..., с. 41.

<sup>2</sup> Аз-Зарнужий. Таълим ул-мутаъаллим, 14-бет.

дан бориб, илм ҳақида ажойиб сатрлар битганлар. Ҳасан ибн ал-Марғинонийнинг шоир бўлгани ва шеър айтгани ҳам аз-Зарнужий туфайли бизгача етиб келган.

Аз-Зарнужий ўз устозларидан яна бири ҳақида хабар беради. Бу юқорида номи эслатилган улуғ шайх ва имом Қивомуддин Ҳаммод ибн Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Ансорий ҳақида гапирган эдик. Аз-Зарнужий бу устознинг Қози Халил ибн Аҳмад ас-Сарахсийга ёзган илм ҳақидаги байтларини ўзи учун ўқиб берилгани ҳақида ёзади ва уни тўлиқ келтиради.<sup>1</sup>

Аз-Зарнужий таълим олган устозлардан яна бири улуғ шайх, имом Садидулдин аш-Шерозий бўлган. “У менга қуйидаги шеърни айтди”, дея аз-Зарнужий унинг ҳам илм ҳақидаги шеърини келтиради.<sup>2</sup> Демак, Бурҳонуддин ал-Марғиноний ва аз-Зарнужийларнинг устозлари улуғ шайх ва имомлар бўлиб, айна пайтда шоир ҳам бўлганлар ва илм ҳақида толибларни тарғиб қилувчи шеърлар битганлар.

### АЗ-ЗАРНУЖИЙНИНГ ШЕЪРДАГИ ФИКРЛАРИ

Имом ва Бурҳон ул-ислом лақабларини олган Бурҳонуддин аз-Зарнужий айна пайтда ўз устозлари каби шоир ҳам эди. У ўзининг “Таълим ул-мутаъаллим” китобида илм ҳақидаги баъзи фикрларини тасдиқлаш учун ўзи ёзган шеърларидан намуналар келтиради. Масалан, талаба туннинг баъзи қисмида илм таҳсили билан шуғулланиши лозимлиги ҳақидаги фикрларни келтирар экан, арабча: “Иттахизи-л-лайла жамалан тудрик биҳи амалан” (Тунни туя каби миниб ол, шунда орзунгга эришасан) номли мақолни келтиради. Сўнг, ўзининг таъбида шу маънони ифодаловчи шеър туғилганини айтиб ёзади:

Ман шоа ан йаҳтавийа омолаҳу жумала,  
Фа-л-йаттахиз лайлаҳу фин даркиҳа жамала.  
(Кимки барча орзуларининг йиғилмоғини хоҳласа,  
Уни топишда тунни туя қилиб минсин.)

Муаллиф арабча мақолни чиройли қилиб байтга солган ва жумал (барчаси) ва жамал (туя) сўзларини қофия сифатида ишлатиб, шеърнинг жарангдор чиқишига эришган. Тунни туя қилиб миниб олиш эса тунда ухламаслик ва тун устидан ҳоким бўлиш маъносини билдиради.

Шоир юқоридаги байтга иккинчи байтни ҳам илова қилади ва биринчи байтнинг мазмунини кучайтиради:

<sup>1</sup> Ўша асар, 17-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 11-бет.

Ақлил таъомака кай таҳзия биҳи саҳара,  
Ин шиъта ё соҳибий ан табуға-л-кумала.  
(Агар сен комилликка эришайин десанг,  
Тунда ухламаслик учун таомингни камайтир.)<sup>1</sup>

Бу мисралар олимнинг толиби илмга тавсиялари бўлиб, одам овқатни кўп еса, дангасалик пайдо бўлиши ва ухлаш истаги кучайиб кетишига ишора қилмоқда.

Аз-Зарнужий Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа)нинг ўз шогирди Абу Юсуфга қарата: “Нодон эдинг, сени нодонликдан тиним-сиз дарс қилишинг кутқарди, дангасаликдан қоч, негаки у ярамас нарса ва улуғ офатдир”, деган сўзларини келтирар экан, шу маънода мана бу байтлар туғилди, деб ўзининг қуйидаги шеърини келтиради:

Даъи-н-нафсу-т-такосула ва-т-тавонийа,  
Ва илла фаасбути фи зи-л-ҳавони.  
(Эй нафсим, дангасалик ва эринчоқликни қўй,  
Агар қўймасанг, хорлик эгасида барқарор бўл.)

Фа-лам ара ли-л-кусала-л-ҳазза туҳза,  
Сиво надам ва ҳирману-л-амони.  
(Дангасаларнинг вужудида ҳеч қачон,  
Пушаймонлик ва мақсаддан маҳрумликдан  
ўзга нарсани кўрмадим.)

Аз-Зарнужий ўз нафсига хитоб қилиб, илм йўлида мени тинч қўй, қўймасанг, дангаса ва хорликка ўзини урган нодон кишиларга бор, дейди. Аз-Зарнужий илм йўлида дангасалик қилувчилар ўз ҳаётларида пушаймон бўлишларини ва мақсадига ётолмасликларини таъкидлайди.

Аз-Зарнужий кўп гапирмаслик, ўз ҳаётини беҳуда сўзлар билан бекорга ўтказмаслик, айниқса, толиби илмлар гап-сўз ўрнига вақтларини илм олиш ва такрорлашга сарфлаши лозимлиги ҳақидаги Бузургмеҳр ва Ҳазрати Алининг фикрларини келтиради. У Ҳазрати Алининг: “Одамнинг ақли камайган сари беҳуда сўзлари кўпаяди” деган ҳикматини келтириб, бу маънода қуйидаги шеър туғилди, дейди ва ёзади:

Иза тамма ақлу-л-маръи қалла каломуху,  
Ва айқин би-ҳумуқи-л-маръи ин кона миксоран.  
(Кишининг ақли тўлишган сари сўзи оз бўлади,  
Сергап кишини кўрсанг, унинг аҳмоқлигига тўлиқ ишон.)

<sup>1</sup> Уша асар, 12-бет.

Олим бу фикрни янада очиб бериш учун мана бу байтини илова қилади:

Ан-нутку зийнун ва-с-сукуту саломатун,  
Фа-иза натақта фала такун миксоран.  
(Сўзлаш зийнатдир, жим туриш саломатлиқдир,  
Бас, гапирадиган бўлсанг, сўзинг кўп бўлмасин.)

Демак, фойдали, лўнда ва қисқа, сермаъно гапларни гапириш инсон учун зийнат бўлса, беҳуда гапларни валақлайвермаслик саломатлик гаровидир. Инсон сўзласа, оз сўзлаши, аммо соз сўзлаши керак. Шоир давом этади:

Ма надамта ʼала-с-сукути марратан,  
Ва лақод надамта ʼала-л-қаломи мироран.  
(Жим туришингга бир марта ҳам пушаймон  
бўлмайсан,  
Сўзларингга эса кўп марта пушаймон бўласан.)<sup>1</sup>

Аз-Зарнужийнинг араб тилида ёзилган бу шеърларининг ўзи унинг шеърятда баланд поғонада эканлигини кўрсатиб турибди. Бу шеърлар ғоятда сермаъно бўлишидан ташқари, бадий жиҳатдан пухта ёзилган. Демак, аз-Зарнужий нафақат ажойиб асарлар соҳиби, балки ўз даврининг етук шоири ҳам бўлган.

## АЗ-ЗАРНУЖИЙ — ИЛМ ТАРҒИБОТЧИСИ

Аз-Зарнужий ўз устози Бурҳонуддин ал-Марғиноний каби ашаддий илм тарғиботчиси эди. Устоз ва шогирдлар наср ва назм орқали илмнинг фазилатларини кўкка кўтарганлар. Аз-Зарнужий эса талабаларни илмга жалб қилиш, каттаю кичикнинг қалбини илм нури билан мунаввар айлаш учун “Таълим ул-мутаъаллим тариқ ут-таъаллум” (“Илм ўрганувчига илм олиш йўлини ўргатиш”) номли китобини ёзди.

Аз-Зарнужий асарнинг муқаддима қисмида уни нима сабабдан ёзганини куйидагича тушунтиради: “Мен кўп толиби илмларни кўрдим, илм олишга жидду жаҳд қиладилар, бироқ унинг фойдалари ва самараларидан ҳеч нарсага етишолмайдилар. Унга амал қилиш ва уни ёйишдан маҳрум қоладилар. Бунинг сабаби шуки, улар бу йўлда хатога йўл қўядилар ва шартларини бузадилар. Кимки йўлни йўқотса, адашади ва кам ҳолда мақсадга эришади. Шунинг учун китобда кўрган, илму ҳикмат эгалари

<sup>1</sup> Уша асар, 30-бет.

бўлган устозларимдан эшитган нарсаларимни баён қилишни лозим топдим”.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, олим ва шоир толиби илмга илм олиш учун қўлланма ва дастур тузишни ўз олдига буюк мақсад қилиб қўйган. Шарқда бундай мақсадда битилган асарлар кам бўлиб, буюк ватандошимиз узоқ асрлар аввал бу ишни уддалаган. Аз-Зарнужий асарнинг мундарижасини қуйидагича келтиради:

Биринчи фасл — илм, фикр илми ва илмнинг моҳияти баёнида.

Иккинчи фасал — илм ўрганишдаги ният баёнида.

Учинчи фасл — илмни, устозни, шерикни танлаш ва чидамни ихтиёр қилиш баёнида.

Тўртинчи фасл — илмни ва илм аҳлини улуғлаш баёнида.

Бешинчи фасл — қаттиқ ҳаракат қилиш, тинимсиз интилиш ва ғайрат баёнида.

Олтинчи фасл — дарс ўқишни бошлаш, дарс олиш миқдори ва тартиб-қоидалари баёнида.

Еттинчи фасл — таваккул баёнида.

Саккизинчи фасл — дарс ўқиш ва такрорлашнинг вақтлари баёнида.

Тўққизинчи фасл — шафқат ва насиҳат баёнида.

Ўнинчи фасл — илмни танлаш ва истифода қилиш баёнида.

Ўн биринчи фасл — илм ўрганиш жараёнида парҳезга амал қилиш баёнида.

Ўн иккинчи фасл — хотирани ўстирадиган ва унутишни пайдо қиладиган нарсалар баёнида.

Ўн учинчи фасл — ризқни оширадиган ва камайтирадиган, умрни узайтирадиган ва қисқартирадиган нарсалар баёнида.

Мундарижанинг ўзи бу асар толиби илмларга нақадар зарур қўлланма эканини кўрсатиб турибди.

Аз-Зарнужий ҳар фаслнинг баёнида ўз кўрсатмаларидан ташқари, йирик уламоларнинг илм ҳақидаги фикрларини келтиради. Биз бундай кишилардан Муҳаммад алайҳис салом, Ҳазрати Али, Имоми Аъзам, Муҳаммад ибн Ҳасан, Имом Насириддин Абул Қосим, Имом Шофиъий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Қивомуддин Ҳаммод ибн Иброҳим ибн Исмоил ас-Саффор ал-Ансорий, Суфёён ас-Саврий, Садиуддин Шерозий, Мамсу-л-Аимма Ҳалвой, Ҳорун ар-Рашид, Маждуддин ас-Сарахсий, Абу Таййиб, Ҳасан ибн Али ал-Марғиноний, Зулқарнайн, Жолинус, Шарафуддин Уқаймий, Қози Халил ибн Аҳмад ас-Сарахсий, Имом Фаҳруддин ал-Кошоний, Ибн Аббос, Абул Фатҳ Бустий, Муҳаммад ибн ал-Фазл, Наж-

<sup>1</sup> Ўша асар, 2-бет.

муддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий кабиларнинг номларини учратамиз. Бу кишиларнинг аксарияти олим бўлиш билан бирга шоир ҳам эдилар. “Таълим ул- мутаъаллим” китоби ҳар бир ўқувчида илмга нисбатан кучли ҳурмат, устозга нисбатан муҳаббат, илм ўқишга нисбатан катта қизиқиш пайдо қилади. Аз-Зарнужий устозни ва илмни улуғлаш ва ҳурмат қилишга тарғиб этади ва бунга қаттиқ амал қилишни вазифа қилиб қўяди. Чунончи, у ёзади: “Толиби илм илмни, илм аҳлини ва устозни улуғламай туриб, илмга ва унинг фойдаларига эришолмайди. Олимлар айтадиларки, илм ва устозни ҳурматламоқ ибодатдан афзалдир”.<sup>1</sup> Унинг ёзишича, одам гуноҳ қилиш билан кофир бўлмайди, бироқ устознинг ҳурматини тарк қилиш билан кофирга айланади. Аз-Зарнужий Ҳазрати Алиннинг куйидаги сўзларини келтиради: “Мен битта ҳарф ўргатган одамнинг қулиман, хоҳласа сотсин, хоҳласа озод қилсин, хоҳласа қул қилиб олдида олиб турсин”.

Бу асарни ўқиган ҳар бир толиби илм нафақат ўтмишда, балки бизнинг кунимизда ҳам кўп фойдалар топиши ва илм йўлида ҳақиқатни англаши турган гапдир. Биз асарнинг мазмуни ҳақида кўп гапирмадик, негаки, унинг шеърга айлантирилган қисмларини рисоламизнинг охирида диққатингизга ҳавола қиламиз.

## **“ТАЪЛИМ УЛ-МУТАЪАЛЛИМ”НИНГ ШАРҲЛАРИ ВА ТАРЖИМАЛАРИ**

Ҳар бир фойдали асарга қизиқиш катта бўлгани каби, “Таълим ул-мутаъаллим”га ҳам асрлар давомида қизиқиш кучли бўлган ва мадрасаларда толиби илмларга дарслик сифатида ўқитилган. Илм аҳллари ҳам уни ўқиганлар ва ажойиб ҳикматларидан завқ олганлар. У қўлёзма ҳолида кенг тарқалган. ЎЗРФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида унинг турли даврларда кўчирилган 32 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда. У Қозон шаҳрида тўрт марта, Мисрда бир марта, Туркияда беш марта нашр қилинган.

“Таълим ул-мутаъаллим”га туркиялик Усмон Позорий шарҳ ёзади ва унинг матнини ўқувчи учун тушунарли қилиб беради. Шарҳ араб тилида ёзилган бўлиб, Қозонда нашр қилинган. Ибн Исмоил ҳам араб тилида унга шарҳ ёзган, бу шарҳ Мисрда чоп этилган. Буларнинг ҳаммаси мазкур асарга қизиқишнинг кучлилигини билдиради. Демак, у нафақат Ўрта Осиёда, балки бошқа ислом мамлакатларида ҳам ўқитилган.

<sup>1</sup> Ўша асар, 24-бет.

“Таълим ул-мутаъаллим” Абдул Аҳад Шайх ул-ислом ибн Асадуллоҳ Ҳамидулли томонидан татар тилига сўзма-сўз таржима қилинган. Бу таржима 1902 ва 1903 йиллари Қозонда чоп қилинган.

1830 йилда мазкур асар Ғиёсуддин ибн Мир Зиёуддин исмли олим ва шоир томонидан форс тилига шеърӣ таржима қилинди. Бу шеърӣ таржима “Одоб ул-мубин” номи билан 1907 йилда Тошкентда тошбосма усулида чоп этилди. Бу таржимани албатта асарнинг тўлиқ ва мукаммал таржимаси деб бўлмайди. Негаки таржимон асарнинг муқаддима қисмларини ҳар хил асарлардан йиғиб олган. Илмдаги ният фаслидан эса “Таълим ул-мутаъаллим” бошланади. Бироқ бунда ҳам таржимон илм ҳақидаги фикрларни шеърда ифодалаб, олимлар ва шоирлар номини зикр қилмайди. Керакли ўринларда Саъдий ва Жомий байтларини илова қилади. “Одоб ул-мубин”нинг фасллари “Таълим ул-мутаъаллим”га солиштириб кўрилса, улардаги фасл номлари ва мазмуни бир хил эканини кўриш мумкин.

Мутаржим Ғиёсуддин асарнинг ёзилиш сабабини тушунтирар экан, илм ва унинг шартлари ҳақидаги асарлар араб тилида эканини, бошқаларга уни тушуниш қийин бўлганини айтади ва дейди:

Кардам онро ба форсий таъбир,  
Ёд гиранд то сағийру кабийр.  
(Каттаю кичик уни ёд олсин деб,  
Уни форсийга ўгирдим.)

Нима учун уни шеърга айлантиргани ҳақида эса:

Назм кардам, ки то шавад осон,  
Ҳифзи у бар жамиъи одамиён.  
(Ёдлаш барча одамга осон бўлсин учун,  
Уни шеърга айлантирдим)

деб ёзади у.

Дастлаб у бу китобни “Назми одоб” деб атайди.

“Назми Одоб” сохтам номаш,  
Соз, ё Раб, ба хайр анжомаш.  
(Унинг номини “Назми Одоб” деб қўйдим,  
Ё Раб, унинг тугашини хайрли қил.)

“Назми Одоб” дейилишига сабаб, бизнингча, “Таълим ул-мутаъаллим”нинг бошқача “Одоби мутаъаллим” деб ҳам аталиши сабаб бўлса керак. Бироқ таржима тугагач, таржимон уни

“Одоб ул-мубин” деб аташга қарор қилади. Мазкур асарни баъзи ўринларда қисқартилган ҳолда ўзбекчага камина томонидан қилинган таржимасини рисола охирига илова қилиб бермоқдамиз.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, Бурҳонуддин ал-Марғиноний ва унинг шогирди Бурҳонуддин аз-Зарнужий маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган зотлардир. Бу икки улуғ зот ҳам юртимизда илму фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ёшларни илм билан тарбиялаш учун жон куйдирдилар ва илмни ўз асарлари ва шеърлари билан тарғиб қилдилар. Илмсизликка қарши ўт очиб, ижтимоий ҳаётда юз берадиган нуқсон ва камчиликлар, офату балолар илмсиз ва нодонлик туфайли юз беришини кўрсатиб ўтдилар. Уларнинг ўлмас фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Улар халқ учун, халқнинг илм-маърифати учун яшадилар. Халқ учун яшаган киши эса ҳеч қачон ўлмайди ва асрлар оша халқ билан бирга қадамма-қадам бораверади.





## ОДОБ УЛ-МУБИН

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аҳмадуллоҳа фи жамий ил-ҳол,  
Ва биҳи астабийну фи-л-аҳвол.<sup>1</sup>  
Анга аввал ила бидоят йўқдур,  
Яна охир ила ниҳоят йўқдур.  
Ўзи танҳодуру барчага Қодир,  
Зоҳиру Ботину Аввалу Охир.  
Андин ўзга маъбуд йўқдир, фақат У,  
Роббана, ла Илаҳа илла Ху.<sup>2</sup>  
Холиқи осмондир, унда неки бор,  
Борийи макондир, унда неки бор.  
Бир қатра сувни у қилади гавҳар,  
Қоп-қора бир тошдан чиқарар жавҳар.  
Хордан гул чиқарар, ёғочдан самар,  
Нутфадан одаму, қамишдан шакар.  
Кўзларнинг кўриши санъатидандир,  
Ақлнинг дониши қудратидандир,...

### ҲОЖАТЛАРНИ РАВО ҚИЛУВЧИ ЗОТГА МУНОЖОТ

Эй, Сенинг сифотинг “Қул хуваллоҳ”дир,  
Заррадан Кунгача Сендан огоҳдир.  
Ё Раб, баҳурмати Расули Карим,  
Раҳматан оламийн, Алиму Ҳалим.  
Яна баҳурмати чаҳор ёрни ҳам,  
Ол ила асҳоби, бошқа ёрни ҳам.  
Яъни, барча эрлар ҳаққи ҳурмати,  
Насиб эт бизларга Аллоҳ раҳмати.  
Гарчи ўзим расво, пургуноҳдурман,  
Номам маъсиятдин чун сиёҳдурман.  
Қўлимда йўқ эрур бир хайри амал,  
Доим маъсиятдан масти лойаъқал.  
Умрим ўтди доим қилиб хурду хоб,  
Яна кўп ишларни қилдим носавоб.

<sup>1</sup> Барча ҳолатда Аллоҳга ҳамд айтаман ва барча аҳволда ундан кўмак сўрайман.

<sup>2</sup> Эй Парвардигоримиз, Сендан ўзга ҳеч Илоҳ йўқдир.

## ПАЙҒАМБАР АЛАЙҲИС САЛОМ НАЪТИ

Ду жаҳон хожаси Қурайш насаб,  
Оёқдан бошгача илм ила адаб.  
Фахри олам эрур, анбиёга тож,  
Олийлик қадрини гувоҳи Меърож.  
Қаддидир расуллар сарви бўстони,  
Набийлар осмонинг меҳри тобони.  
Қаддидан ислоннинг кори аълодир,  
Юзидан дин қадри авжи самодир.  
Коннот дуржининг гавҳари Удир,  
Мумкинот буржининг ахтари Удир.

### ЧАҲОРЕРЛАР БАЁНИДА

Биринчи ёр эрур Бу Бакри Сиддиқ,  
Барча асҳоб қилур бу сўзни тасдиқ.  
У барча дўстларнинг шамъи қутлуғи,  
Саҳоба ичида шаксиз улуғи.  
Иккинчи ёр эрур Умари Одил.  
Бу Бакр сўнгтидан афзалу фозил.  
У ҳақда не деди, қара, Пайғамбар,  
“Йантиқуллоҳа мин лисони Умар”<sup>1</sup>  
Учинчи ёридир Ҳазрати Усмон,  
Маъдани билиму ҳаё ила кон.  
Тўртинчи ёр эрур Ҳазрати Алий,  
Усмондан кейин у барчадан олий.  
Расулнинг ёнида барча асҳоби,  
Карам осмонининг ёрқин офтоби.

### “ОДОБ УЛ-МУБИН” НАЗМИНИНГ ЁЗИЛИШ САБАБИ

Ҳамду наъту нақб чун бўлди тамом,  
Асосий мақсадга қилайин хиром.  
Илм мақсадлари узоқ ақсодир,  
Бироқ ушбу матлаб беҳад аълодир.  
Қайси илм бўлсин, кичик ё катта,  
Кўпгина шартларга боғлиқ албатта.  
Агар ушбу шартга бўлмаса амал,  
Илмда кўп нарса бўлмай қолар ҳал.  
Толиби илмга вожибдур демак,  
Айтилган шартларни доим истамак.

<sup>1</sup> Аллоҳ Умарнинг тилидан гапиради.

Ушбу шартлар агар айланса ёрга,  
Илмнинг келинин олгай канорга.  
Йўқса мақсад йўлин йўқотар тамом,  
Йўлсиз йўлга қилиб бўлгайми хиром.  
Китоблар ичида қилинган баён,  
Ушбу шартлар бўлсин сен учун аён.  
Бироқ бари эди араб тилида,  
Маъноси йўқ эди кўплар дилида.  
Бошловчи кишига фаҳми эди кам,  
Демак, ололмасди улардан ёрдам.  
Шул сабаб бечора бу Ғиёсуддин,  
Яъни Ибни Эшон Мир Зиёуддин.  
Бўлса ҳамки ўзи паришон аҳвол,  
Ишлари кўпайиб турса ҳам алҳол,  
Илмда бўлса ҳам истеъдоди кам,  
Устига беҳунар, дилда эса ғам.  
Айлангирдим уни форсий тилига,  
Ўрнасин каттаю кичик дилига.  
Назм қилдим уни бўлсин деб осон,  
Ва ёдлаб ололсин назмини равон.  
Мен қайда, назм ила наср қайдадир,  
Эҳтимол бул қилган ишим майдадир.  
Бироқ умид ипин қўлимда тутдим,  
Туну кун уриниб беҳад қон ютдим.  
Мендан кейин дуо бирла гоҳи-гоҳ,  
Ёдига олсалар холисаниллоҳ.  
Бир минг икки юзу қирқ олтидан,  
Парда кўтарилди бу гул олтидан.  
“Назми одоб” дея қўйдим номини,  
Аллоҳим бергайсан дилим комини.  
Кимда орзу бўлса илмга етмоқ,  
Ё илм шарбатин чин дилдан тотмоқ.  
Бу “Назми одоб”ни айласин йўлдош,  
Туну кун ўқишдан кўтармасин бош.  
Ундан барча шартни ўрганса дарҳол,  
Муяссар бўлғуси васл ила висол.  
Эй сиз, эшитдингиз бу сўзни сара,  
Унинг дарахтидан олинг самара.  
Ушбу сирлар сари қилганда сайр,  
Номимга айлангиз дуойи хайр.

## **БАЪЗИ СИФАТЛАР БАЁНИДАКИМ, УНГА ЭГА БЎЛМОҚ БАРЧАГА ВОЖИБДИР**

Барча талабага вожиб бегумон,  
Балки у барчада бўлмаса ёмон.  
Айтилган бу сифат ҳар кимда бўлсин,  
У зарур нарсадир, кўнгилга тўлсин.

## **МАЪСИЯТ СОВУНИ БЎЛГАН ТАВБА ҲАҚИДА**

Авалло тавбани қатъий шиор қил,  
Худонинг ваҳмини дилингга ёр қил.  
Ёдда тут, олдинда ўлим они бор,  
Азроил қўл солур кимнинг жони бор.  
Дўстлар ёш тўкади, юрагида ғам,  
Душманлар кулади, дилида хуррам.  
Ворислар тамада боқар молинга,  
Парво ҳам қилмагай сенинг ҳолинга.  
Сен-чи, ўзинг билан ўзинг овора,  
Қилган ишларингга дилинг садпора.  
Бошингга келмайин туриб бу замон,  
Юракдан тавбани қилиб қол бу он.  
Пушаймон бўл барча қилган ишингга,  
Отилган тош тегмай туриб тишингга.  
Бедорлик сурмасин тортигил кўзингга,  
Одат қил нолани ҳар кун ўзингга.  
Дегин сидқидилдан, Худойи Карим,  
Эй афу қилувчи, Раҳмону Раҳим.  
Раҳм қил ҳолимга, ўзинг Илоҳим,  
Агарчи кўп менинг қилган гуноҳим.  
Шу хилда айласанг нолаю афғон,  
Шоядки раҳм этар Худойи жаҳон.  
Чунки Унинг номи Гафуру Раҳим,  
Фазли билан кечар гуноҳ қилса ким.  
Фалаклар Холиқи лутфин баҳридан,  
Гуноҳкор қулини асрар қаҳридан.  
Токай маъсиятда чиқарасан от,  
Тавбанинг мазасин бирор марта тот!

## **МАҚСАДЛАР ЭШИГИНИ ОЧУВЧИ ТАҚВО ҲАҚИДА**

Мазкур сифатлардан биридир тақво,  
Сифатлар ичида баридан ақво.  
Барча ибодатнинг одоби ундан,  
Зухду тоатларнинг бунёди ундан.

Фикр билан назар солсанг Куръонга,  
Тақво васфи кўпдир барча инсонга.  
Кимнинг кўпроқ бўлса тақво ишида,  
Барчадан азизроқ Худо қошида.  
Нима еган бўлсанг ҳаромдан агар,  
Эртага ҳаммаси бир-бир сўралар.  
Урин олгин сен ҳам ушбу мақомдан,  
Ақлинг бўлса оёқ тортгил ҳаромдан.  
Ўйла, ишларингда бу кори расво,  
Дуч келган нарсани емоқ нораво.  
Кўркмайсан ҳалолми ва ёки ҳаром,  
Нимадан етишди асли бу таом.  
Ёдга ол, эрта не бўлади гавго,  
Жавоби не бўлур сўраса Худо?

### ИККИ ОЛАМ НАЖОТИ БЎЛГАН ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

Шартлардан биридир тўғрилик, эй дўст,  
Эгридан бир куни шилинажак пўст.  
Рост гапир, тўғри бўл ва тўғри ўтир,  
Тўғри юр, тўғри тур ва тўғри хотир.  
Бир дил бўл, бир томон ва битта юзли,  
Бу йўлдан чиқма ҳеч, бўлгин бир сўзли.  
Тўғрилик ҳақ йўлга сени йўллагай,  
Худога ялинсанг доим қўллагай.  
Тўғрилик келтирар дунёвий фойда,  
Ухравий фойда ҳам бордир бу жойда.  
Тўғри бўлиб, тўғри қўйсанг оёқни,  
Ўсасан, емайсан асло таёқни.  
Тўғри бўлсанг ўқинг тегар нишонга,  
Эгрининг ишлари балодир жонга.  
Тўғри бўлсанг агар мақсадинг ҳосил,  
Ростликдан ҳар ишга бўларсан восил.  
Кўнгил эгри бўлса, бошга тегди тош,  
Тўғри одам бўлди мақсадга йўлдош.  
Тўғри сўзли бўлиб, бўлганда вафо,  
Унга доим мадад айлагай Худо.  
Ростгўй бўлсанг агар муҳташам бўлдинг,  
Ёлгон гапирдингми, қадри кам бўлдинг.  
Битта ёлгон сўзни деганинг замон,  
Бошга лаънат ёғар мисоли бўрон.

## МАҚСАДЛАРГА ЕТИШИШНИНГ САБАБИ БЎЛГАН САБР ҲАҚИДА

Мазкур сифатлардан биттаси сабр,  
Мақсадга етаклар каттаси сабр.  
Кимда сабр бўлса у Ҳаққа етди,  
Аллоҳ ўзи учун уни дўст этди.  
Дурдек сабр қилсанг агар тош ичра,  
Қадринг улуғ бўлар барча бош ичра.  
Сабр билан агар қуримаса қон,  
Оху киндигида мушк бўлар қачон.  
Сабр қилсанг агар комга етарсан,  
Бесабрлик қилсанг домга етарсан.  
“Ибширу, ибширу ли-ман сабара,  
Иннаҳу ман сабар фақод зафара”<sup>1</sup>  
Сабр айламаса агарким сайёд,  
Ўқи тегмай, ови бўлади барбод.  
Сабр хислатини айласанг одат,  
Секин-аста қўлга келар саодат.  
Анбиё, қарагин, чун сабр қилди,  
Мартаба байроғин фалакка илди.  
Одам Ато ундан тавбага етди,  
Нуҳ тўфон ғамидан қутилиб кетди.  
Иброҳимдек сабр қилсангиз пеша,  
Намруднинг норидан бўлмас андеша.  
Аййуб сабр қилган эди балога,  
Ҳақ раҳм айлади бу мубталога.  
Мусо солган эди сабрни дилга,  
Душмани ғарқ бўлди дарёи Нилга.  
Исо сабр билан осмонга чиқди,  
Юсуф сабр билан Мисрни йиқди.  
Сарвари коинот Расули акрам,  
Расуллар ичида шоҳи мукаррам,  
Сабр қилди изо берганда Курайш,  
Аччиқдан қутилиб, топди ширин айш.

## ҲАЁТНИНГ ОБРЎЙИ БЎЛГАН ОДОБ ҲАҚИДА

Ўшал хуш сифатдан биридир одоб,  
“Асриъу жонибиҳи ҳайъа”,<sup>2</sup> аҳбоб.

<sup>1</sup> Башорат беринглар сабр қилган одамга,  
Чунки, ким сабр қилса, албатта зафар топди.

<sup>2</sup> У томонга шошинг, эй аҳбоб.

Адаб шулки, доим тиярсан кўлни,  
 Ёқимсиз томонга солмассан йўлни.  
 Адаб шулки, ўзни доим сақларсан,  
 Барчанинг ҳурматин оқлаб, ёқларсан.  
 Адаб бу обрўдир, комил инсоний,  
 Беадаб нимадир, феъли ҳайвоний.  
 Беадаб Худонинг лутфидан маҳрум,  
 “Ло тажолис маъах фаиннаҳу шум”.<sup>1</sup>  
 Қандайин ғам келса бетарабликдан,  
 Барчаси келади беадабликдан.  
 Иблиским, беадаб бир қадам кўйди,  
 Бир умр ўзига қайғу-ғам кўйди.  
 Худойим ҳар кимдан олди одобни,  
 Ҳақиқат бекитди унга ҳар бобни.  
 Адабли шарафдан етолди моҳга,  
 Беадаб ғазабдан қулади чоҳга.  
 Эй сиз, биродарлар, ушбу жаҳонда,  
 Авлиё адабин сақланг ҳар онда.  
 Тарки адаб бўлса гар авлиёга,  
 Ўзини ташлагай жабру жафога.  
 Адаб билан киши етар муродга,  
 Худо айлантлар бағрин ободга.  
 Адабдан топарсан яхши деган ном,  
 Шодликда бўларсан доим, вассаллом.

### “ЎЛМАС ХАЗИНА”<sup>2</sup> СИФАТИГА ЭГА БЎЛГАН ҚАНОАТ ҲАҚИДА

Улуғ сифатлардан бири қаноат,  
 Қаноат эгаси топар саодат.  
 Қаноатли бойдир жамики палла,  
 “Ман қанаъа азза, ман тамаъ залла”.<sup>3</sup>  
 Очкўзлик ранж эрур, қаноатчи ганж,  
 Яхши билиб олгин ганж нимаю ранж.  
 Садафким, томчига қаноат қилди,  
 Бағрини дур билан зиёдат қилди,  
 Қаноатдан ҳеч ким асло ўлмади,  
 Очкўзликдан киши султон бўлмади.  
 Тамагир ғамдаю қаноатли шод,  
 Тамагир қул бўлса, қониъдир озод.

<sup>1</sup> У билан ўтирма, чунки у бадбахтдир.

<sup>2</sup> “Қаноат ўлмас хазинадир” деган ҳадисга ишора.

<sup>3</sup> Ким қаноатли бўлса, иззатли бўлди, ким тамагир бўлса, хор бўлди.

Тўрт байтни айтибдир Низомий Ганжа,  
Эшиттил, ўзингга бермайин ранжа:  
“Бировнинг уйига боргандан нон деб,  
Уйда жим ўтирмақ яхшидир жон деб.  
Бировнинг хонидан егандан ҳалво,  
Бировга ўзинг нон берганинг авло.  
Қаноатда бўлиб, киши бўлса шод,  
Билгинки, у киши муҳташам ниҳод.  
Ҳар кимнинг нийяти бўлса қўп топиш,  
Бир куни оқибат бўлғуси дарвиш”.<sup>1</sup>

### ТАВАККУЛ, ЯЪНИ ҲАЗРАТИ ХАЛЛОҚҚА ЎЗНИ ТОПШИРИШ ҲАҚИДА

Ўшал сифатлардан бири таваккул,  
Ўзни топширмақдир Худога би-л-кулл.  
Аллоҳнинг фазлига эътиمود қилмоқ,  
Наинки ўзини оловга урмоқ.  
Мутаваккил эди Ҳабиби Худо,  
Сен ҳам ушбу йўлни айла муддао.  
Токай ризқни ўйлаб чекасан алам,  
Тиш берган беради ризқни рўзни ҳам.  
Ҳақ ишни адо қил, ризқ деб ғам ема,  
Ўзи кафил бўлар, у ё бу дема.  
Азалда нимани қилса муқаррар,  
На зиёд бўлади, ва на камаяр.  
Дилинг бўлса ҳамки лахта-лахта қон,  
Насибадан ортиқ топмассан бир дон.  
Ишингни ҳавола айла Аллоҳга,  
Йўл йўқдир мунингдан ўзга бир роҳга.  
Ундан ўзга борми сенга мададкор,  
Оғир кунга қолсанг қутқарувчи ёр.  
Паноҳига киру бир юзли бўлгин,  
Таваккулни қилу кундузли бўлгин!

### ҲАҚ ХУШНУДЛИГИГА САБАБ БЎЛУВЧИ РИЗО ҲАҚИДА

Ўшал сифатлардан бири ризодир,  
Яъни таслим бўлмоқ қайси қазодир.  
Ҳар ким таслим бўлса агар қазога,  
Етишгай ул киши Ҳақдан ризога.  
Беризо топмассан жаннат уйини,

<sup>1</sup> Бу шеър Низомий Ганжавий “Хамса”сидан олинган.



Беризо сезмассан мақсад бўйини.  
Агар сен қазога таслим бўлмасанг,  
Ҳақнинг ризосини писанд қилмасанг,  
Осмоннинг тагидан чиқиб ногаҳон,  
Ўзга Раб сорига бўл унда равон.  
Бу эса жаҳонда амри маҳолдир,  
Қазога ризолик айни камолдир.  
Ўзга ҳеч йўл йўқдир ризо бўлмасдан,  
Бу йўлда таслими қазо бўлмасдан.

## ИККИ ОЛАМНИНГ УЛУҒЛИГИГА САБАБ БЎЛУВЧИ ТАВОЗЕЪ ҲАҚИДА

Сифатлар ичида тавозеъ хубтар,  
Яхши одам бўлур ҳамиша камтар..  
Тавозеъ обрўни кўтарар баланд,  
Мартаба суффаси сенинг билан банд.  
Такаббур бўлади пасту ярамас,  
Шундайин дедилар Расулуллоҳ, бас.  
Мард бўлгин, манманлик ишини ташла,  
Тупроққа кўм уни, ҳақ йўлни ушла.  
Қара, ўша лаъин, еса ҳамки тош,  
“Аба вастакбар”,<sup>1</sup> товлади у бош.  
Аввалинг қатраи манийдан эди,  
Охири танингни бу тупроқ ейди.  
Аввалу охириг шундай экан чун,  
Кибрнинг йўлини ушламоқ, нечун?  
Тавозеъ айлагин Худони ўйлаб,  
Наинки бировнинг бойлигин сўйлаб.  
Овқат деб ўйнатар итлар думини,  
Оқиллар тавозеъ демагай буни.

## ҚЎРҚУВ ҲАҚИДАКИМ, “ҚЎРҚУВЧИ АЛЛОҲНИНГ ДЎСТИДИР”<sup>2</sup>

Сифатлар ичида биридир қўрқиш,  
Кўнгилдан чиқмасин асло бу ташвиш.  
Ўлим шом ичида ёки субҳидам,  
Бошингга келади бир куни илдам.  
Сен эса осуда, гафлат ичрасан,

<sup>1</sup> “Юз ўтири ва такаббурлик қилди”. Шайтон ҳақидаги Куръон оятига ишора.

<sup>2</sup> “Ал-хоифу ҳабибуллоҳи” номли ҳадисга ишора.

Олдинда олов бор, бўйнингда расан.<sup>1</sup>  
 Ёдга ол, олдинда ўлим юрибди,  
 Жонингга чанг солай дея турибди.  
 Қора тупроқ ичра кўмсалар ногоҳ,  
 Ётурсан ҳасратда чекиб оху воҳ.  
 Ёдга ол, вақтики чалинса Сурдан,  
 Одамлар чиқади бирма-бир гўрдан.  
 Бошингда куйдириб турганда офтоб,  
 Тер ичра ғарқ бўлиб бергаймисан тоб?  
 Номалар келади ҳар хил тарафдан,  
 Кимларга ўнгдану кимгадир чапдан.  
 Тарози ичига қўйилар аъмол,  
 Аён бўлар шунда жамики аҳвол.  
 Бу икки палладан ортса бирови,  
 Биров хор, бировнинг юришар ови.  
 Ёдга ол, оёқни қўйгач Сиротга,  
 Ётарсан шу онда боқий ҳаётга.  
 Ё ундан шамолдек елиб ўтарсан,  
 Ё дўзах сарига кулаб кетарсан.  
 Нидо келар шунда, оятидир бу:  
 “Аййухал мужримуна вамтозу”.<sup>2</sup>  
 Ўзинг ҳам билмайсан гуноҳқормисан,  
 Яхшилар ичида ёхуд бормисан.  
 Мунигдек юз минглаб ҳодиса бўлар,  
 Буни билган қачон ғафлатга тўлар.  
 Бу офир кунларни айламайин ёд,  
 Боғ ила бўстонда яшагайсан шод.  
 Манзилу хонангга сарф этиб куч,  
 Ғафлатда ҳаётни ўтказурсан пуч.

## ИЙМОННИНГ ҚУВВАТИ БЎЛГАН ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ ҲАҚИДА

Сифатнинг биридир хулуқи ҳасан,<sup>3</sup>  
 Худога тортади мисоли расан.  
 Чиройли хулқ эрур иймон қуввати,  
 Ёмон хулқ ярамас эрлар одати.  
 Топилмас жаҳонда қанча қидирса,  
 Чиройли хулқдан ҳам чиройли нарса.  
 Жаннат сари сенга бўлади раҳбар,  
 Ҳолига вой кимки қўлдан чиқарар.

<sup>1</sup> Расан — арқон.

<sup>2</sup> Қуръон ояти: “Эй гуноҳкорлар, бир томонга ажралинглар”.

<sup>3</sup> Хулуқи ҳасан — чиройли хулқлар.

## ҲАҚ ТАЪОЛОНИНГ РАҲМАТИГА БОИС БЎЛАДИГАН РАҲМ ҲАҚИДА

Сифатлар ичида раҳм ҳам яхши,  
Раҳматга боисдир, адаблар нақши.  
Раҳм қилсанг сен ҳам раҳм кўрасан,  
Раҳмат ҳосилини йиғиб ўрасан.  
Бўлсин десанг агар Худо меҳрибон,  
Худонинг халқига фидо қилгин жон.  
Ўзингдан элингни айласанг хуррам,  
Худо ўз раҳматин сочгай ўша дам.

## МУЛОЙИМЛИК ҲАҚИДА

Бу сифатдан бири эрур ҳалимлик,  
Анбиё эдилар шундай таълимлик.  
Ҳар ким ўз ғазабин босолган замон,  
Ҳақнинг ғазабидан бўлади омон.  
Ҳар ким ғамгин қилса, сен уни шод қил,  
Ҳар киши банд қилса, уни кушод қил.  
Эшит, учта байт, не деган Жомий,  
Қаддасаллоҳу сирраҳ ус-сомий:<sup>1</sup>  
“Сабру чидам ақл хазинасидир,  
Ҳилми<sup>2</sup> йўқ — одамнинг бузинасидир.  
Ҳилм — сармойи камол бўлади,  
Сабаби иззати жамол бўлади.  
Ҳилм ғамгин учун шодлик етқизар,  
Ярани мўмиё каби битқизар.

## ДАВЛАТ ВА САВОБНИ ЗИЁДА ҚИЛУВЧИ ЖУД (САХОВАТ) ҲАҚИДА

Комиллик бўлади жуд ила эҳсон,  
Маъноси мол ато қилмоқдир ҳар он.  
Қўлингда борини халққа қил ато,  
Бирига етти юз беради Худо.  
“Ма нақаса ма лака мин ал-хайрот,  
Иннамаллоҳу йўъти-л-ъавазот”.<sup>3</sup>  
Жаннат дарахтидан саҳодир бир шох,

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг улуг руҳини муқаддас қилсин.

<sup>2</sup> Ҳилм — ҳалимлик.

<sup>3</sup> Қилган хайрияларинг камаймайди,  
Аллоҳ албатта эвазини беради.

Жаннатга етаклар кимки хайрихоҳ.  
Одам ўлар, лекин эҳсони ўлмас,  
Яхши номи элда қолади, шу бас.  
Сахий ўлса ҳамки уни тирик бил,  
Саховати йўқни ўлик ҳукм қил.

## ФАЗИЛАТИ БЕПОЁН БЎЛГАН ИЛМ ҲАҚИДА

Илмнинг фазлидин эшитгил энди,  
Сўзимга кулоқни, кел, тутгил энди.  
Илмнинг фазлидур мисоли Уммон,  
Сен учун қатрасин қилайин баён.  
Ҳақ деди, ҳар кимга илм берибман,  
Яхшилик муҳрини унга урибман.  
Ҳар дилда илмким, пайдо бўлибдур,  
Эл ичра обрўйи аъло бўлибдур.  
Беҳадду ҳисобсиз ўлғай шарафи,  
Яна обод бўлур уқбо тарафи.  
Илмга сарф этсанг агар бир дирам,  
Минглаб дирамингдан яхшидур ул дам.  
Ҳар ким илм учун чиққанда йўлга,  
Ҳали қадам қўймай ўнг ила сўлга,  
Аввал қилган бўлса ҳар қандай гуноҳ,  
Қилган гуноҳлари тўкилар ногоҳ.  
Олимлар ичида тиз чўкиб киши,  
Бир лаҳза ўтирмақ бўлганда иши.  
Қиёмат кунида минг товоқда нур,  
Бандага етқизар Худойи Фафур.  
Илмни қидириб ҳар қаю инсон,  
Тун ила кундузни ўтказган замон.  
Ўша одам ўша кунида гўё,  
Ўн минг йиллик тоат айлабди адо.  
Илмдан фазилат ошади чунон,  
Барчага вожибдур ҳурмати шу он.  
Олимни ҳар киши тутса агар хор,  
Кофир бўлар, динда шундай фатво бор.  
Ҳазил қилиб, олим кишини инсон,  
“Сен” дея мурожаат қилгани замон.  
Сўзида бўлганда олимга таҳқир,  
Кофир бўлар, унга вожибдур таъзир.  
Минг йил айтсам илм фазлини мудом,  
Юздан биттаси ҳам бўлмагай тамом.

## ИЛМДА ДАНГАСАЛИК ҚИЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Риёзат бобида нафсинг, эй комил,  
Саркашлик кўрсатиб, бўлганда қоҳил.  
Илм фазлин ўйлаб, айлагайсан даф,  
Илмдан етажак, ўйла, қандай наф.  
Илмда ҳар икки жаҳон иззати,  
Нокасни кас қилар унинг хислати.  
Илм бир мевадур, еса ҳар инсон,  
Абадий ҳаётдур, ўлмас ҳеч қачон.  
Риёзат чекмасанг бўлмагай ҳосил,  
Дангаса етолмас, қолажак жоҳил.

### ИЛМДАГИ НИЙЯТ

Энди баён қилай, не бўлур нийят,  
Ниятда бўлажак қандай хосият.  
Ўшал Пайгамбари ҳамида сифот,  
“Иннама-л-аъмолу, деди, би-н-ниёт”.  
Илм талаб қилиб кўйганда қадам,  
Аллоҳ ризолигин кўзлагин ҳар дам.  
Дегин, яна ушбу илмимдан мақсад,  
Илмни эл аро ёймоқдир беҳад.  
Нодонлик иллатин қуваман зимдан,  
Барча одамдан-у яна ўзимдан.  
Ният қилсин яна шундай муддао,  
Амри маъруф, наҳйи мункарни адо.  
Илмким, ўзига бўлмаса фойда,  
Орзусин қилмагай уни ҳеч жойда.  
Умрингни фойдали илмга қарат,  
Уни қиёматда корингга ярат.  
Айлама ҳеч ният мансабу жоҳдан,  
Ғазабга қолурсан ногоҳ Аллоҳдан.  
Қиёмат кунида олим кишидан,  
Сўралур жаҳонда қилган ишидан.  
Жавоб берса олим киши, эй Худо,  
Сени деб биз дарсни айладик адо.  
Худо унга дейди, қачон, эй қаззоб,  
Мен учун айладинг саволу жавоб.  
Мақсад эди сенда мансаб ила жоҳ,  
Дўзах сари сенга очажакман роҳ.  
Дўзахнинг қаърига қилурман равон,  
Бу сўзим “Мишкот”дан эрур, эй инсон.  
Қасд айла, то қилгин илмингга амал,

Амалсиз илмдан мушкул бўлмас ҳал.  
Сарвари коинот дедилар ҳисоб,  
Беамал олимга “ашадду-л-азоб”.<sup>1</sup>  
Ҳар кимса айтса-ю қилмаса ўзи,  
Худодан зўр жазо кўради кўзи.  
Билса-ю қилмаса агар ҳар киши,  
Ҳақ деди, эшакка ўхшашдир иши.  
Худонинг йўлида ўқиб, илм ол,  
Мансабу жоҳ дема, дема мулку мол.  
Худонинг йўлида ўқисанг илм,  
Вужудинг савобга тўлар лиммо-лим.  
Топарсан илмдан мансабу иззат,  
Мулку мол топарсан, топарсан давлат.

## **ИЛМИГА АМАЛ ҚИЛМАГАН ОЛИМЛАРДАН ШИКОЯТ**

Ушбу замон ичра неча уламо,  
Ном кўйиб ўзига “олими Худо”.  
Аслида жоҳилдир, бари жоҳталаб,  
Уламо деб кўймиш ўзига лақаб.  
Пасткашдир бариси, ўта бепарво,  
Динни кўйиб, бари дейдилар дунё.  
Тонгда туриб, қора тунгача қадар,  
Амиру сипоҳнинг ортидан юрар.  
Фисққа берилиб яна нечаси,  
Золимни мадҳ этар кундуз-кечаси.  
Ҳар киши фосиқни мақтаса агар,  
Худо ғазаб қилар, Арши тебранар.  
Ҳар ким золим учун айласа ёрдам,  
Зулмига шерикдир ўша киши ҳам.

## **УСТОЗНИ ЭЪЗОЗЛАШ ҲАҚИДА**

Эй сиз, талабалар, эй илм талаб,  
Аллоҳ насиб қилсин сиз учун мағлаб.  
Агар сиз бўлсангиз ўзаро аҳбоб,  
Фазилат улуғи аввало одоб.  
Одоб лозим устод, яна китобга,  
Ва барча шерикка, барча туллобга.<sup>2</sup>  
Илмнинг йўлига ким қўйса қадам,  
Устоднинг ҳурмати лозимдир ул дам.  
Таъзиминг бўлмаса агар устодга,

<sup>1</sup> Азобнинг қаттиғи.

<sup>2</sup> Туллоб-талабалар.

Ўқиган ҳар илминг кетади бодга.  
Ҳар ким кўрган бўлса илмидан фойда,  
Устодни эъозлаб топди ҳар жойда.  
Иzzати илми қилур фаровон,  
Хорласа, бўлажак кофир бегумон.  
Устозни отадан тутгил мўғтабар,  
“Хайру-л-обои” деди пайғамбар.  
Таомга кўл урма, олдидан ўтма,  
Ортиқча гапирма, номини тутма.  
Чиройли ўтиргин сабоқ ониди,  
Узоқ ҳам, яқин ҳам бўлма ёнида.  
Устоднинг жойига ўтирма асло,  
Хизматин жон дея айлагин адо.  
Хизмати бўлса ҳам агар арзимас,  
Осмонга кўтарар обрўйингни бас.  
Дарс учун уйига келганинг замон,  
Эшикни қоқмагин ортиқча ёмон.  
Сабр қилгин токи чиққунча ўзи,  
Сабрдан очилар ҳар ишнинг кўзи.

## УСТОДНИ ХОР ТУТИШНИНГ ЁМОНЛИГИ ҲАҚИДА

Расуллар Сарвари, лафзи гуҳарбор,  
Деди, ким устодни қилса агар хор,  
Уч бало охири уни йиқади,  
Бири, не эшитса, ёддан чиқади.  
Ўлими олдида сўзлашдан қолар,  
Қисқалик умрига яна йўл солар.  
Деди ул Аликим, шери Худодир,  
Бир ҳарф ўргатса жоним фидодур.  
Мен унинг қулиман, ихтиёр унда,  
Хоҳ сотсин, хоҳ озод айласин бунда.  
Ҳар ким ғойибдаю ёки ҳазарда,  
Устоднинг ғийбатин қилса агарда,  
Бу ҳам бўлмай ани навъе хор қилиш,  
Ундайга бўлмамай ғамдан қутилиш.  
Нимани амр этса агар у машруъ,  
Тўхтамай ул ишга айлагин шуруъ.  
Амрига ҳар киши солмаса қулоқ,  
Ҳукми ушбу бўлар, яъни бўлар “оқ”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Оқ — норизо қилиш, қарғиш олиш.

## **ИЛМ ҲАМДА КИТОБНИ УЛУҒЛАШ ҲАҚИДА**

Илмни эъзозла, китобларни ҳам,  
Мартабанг илмда бўлмас асло кам.  
Китобу илмни айласанг эъзоз,  
Илминг кундан-кунга ошиб борар соз.  
Иложи борича қилиб таҳорат,  
Китобни тутмоқни айлагин одат.  
Шамси Ҳулвонийга берилди савол,  
Илмда қандайин тополдинг камол?  
Дедики, китобга қилмай таҳорат,  
Кўл урмоқ бўлмади мен учун одат.

### **ШЕРИКЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ**

Яна шерикларни айлагин эъзоз,  
Бу улуғ кишилар одатидир соз.  
Уларнинг иззатин айласанг одат,  
Ҳаётда топарсан улуғ саодат.

## **ИЛМ ЎРГАНИШГА ҚАТТИҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Илм таҳсилига киришса киши,  
Бўлмоғи керакдир жидду жаҳд иши.  
Илм ўрганишдан тинмагай бир он,  
Файрат майдонида уриб кўп жавлон.  
Юракдан мақсадни қидирса киши,  
Худойим муродин аниқ бериши.  
Пайғамбар дедики, эшикни инсон,  
Қоққанда эшитар жавобин шу он.<sup>1</sup>  
Аллоҳнинг сояси бандага бордир,  
Қидирган топади, иқболи ёрдир.

### **ТАЛАБА ОЛИЙҲИММАТ БЎЛМОҒИ КЕРАК**

Толиб бўлмоқ керак ҳимматда олий,  
Бўлмасин ҳеч қачон файратдан холий.  
Ҳиммат бўлса қадринг осмон бўлажак,  
Олий мақом учун нарвон бўлажак.

---

<sup>1</sup> Эшикни қоққан одам ичкаридан жавоб эшитади, деган ҳадисга ишора.



## СУСТЛИК ВА ДАНГАСАЛИКНИНГ САБАБИ

Баъзи бир олимлар аҳлидан баён,  
Қилинмиш сустликнинг сабаби аён.  
Сустликка гоҳ сабаб бўлади балғам,  
Балғами кўпаяр, рутубати ҳам.  
Балғам кўп сув ичса бўлади пайдо,  
Яна кўп емоқ ҳам сабабдир аммо.  
Бас шундай экандир, ақлинг бўлса ёр,  
Ортиқча емоқни қилма ихтиёр.  
Зеҳннинг поклиги, заковати ҳам,  
Фаҳмнинг тезлиги, зиёдати ҳам,  
Кўнгил мойиллиги яна Худога,  
Феълда ҳам ўхшашлик чун авлиёга,  
Буларнинг барчаси кам ейишдан, кам,  
Яхши одам васфи шудир, эй одам.  
Хўрани ёқтирмас аҳли фаросат,  
Баданда қилади иссиқни ғорат.  
Кўп ейиш ухлатиб, ғофил қилади,  
Сустликни етқизиб, коҳил қилади.  
Хотира балғамдан бўлади барбод,  
Одам бўлсанг кам е, кам е, одамзод.  
Ўзингни асрагин ортиқ емоқдан,  
Пурхўрлар илинар охир томоқдан.

### КЎП ЕЙИШГА ҚАРШИ ҲИЙЛА

Кўп ейиш ҳийласин хоҳласанг агар,  
Ўйлагин, кўп ейиш фойдами-зарар.  
Кўп ейиш иллатга тузоқдир, билгин,  
Оз емоқ сорига юзингни бургин.  
Зеҳн нуқсон топар, бузилар идрок,  
Ақл сусаяди, фаросат нопок.  
Дейдилар, донолик ювилиб кетар,  
Зеҳну идрокинга нуқсонлар етар.  
Кам есанг фаросат бўлади сарий,<sup>1</sup>  
Обрўю мартаба бўлади рафий.<sup>2</sup>  
Шафқатнинг қуввати ундан кесилар,  
Баданга иллатнинг йўли тўсилар.  
Рўзада қолмайсан оғир ҳолатга,  
Енгиллик етажак ҳар дам тоатга.

<sup>1</sup> Сарий — тез.

<sup>2</sup> Рафий — баланд.

## **КЎП ЕЙИШГА ҚАРШИ БОШҚА ЧОРА**

Таоминга ёғни кўп солсанг агар,  
Бу ҳам кўп емаслик чораси бўлар.  
Ёғнинг кўп бўлмоғи иштаҳа кесар,  
Ортиқча емоқнинг йўлини тўсар.

## **БАЛҒАМНИ КАМАЙТИРУВЧИ НАРСА ҲАҚИДА**

Мисвокдан камаяр танада балғам,  
Заковат кўпаяр, фасоҳати ҳам.  
Яна ҳар иллатга шифо бўлар ёр,  
Савоб ҳам кўпаяр, бўлар бешумор.  
Яна қотган нондан камаяр балғам,  
Бироқ ундан ортиқ емагайсан ҳам.  
Чунки чанқаб сувдан ичганинг замон,  
Яна ундан балғам кўпаяр ёмон.

## **ДАРСНИ ҚАЙСИ КУНИ БОШЛАШ КЕРАК**

Агар дарс ўқишга айласанг азм,  
Чоршанба кунидан бошлагин жазм.  
Коинот сарвари Расули акрам,  
Саҳоба аҳлига дердилар ҳар дам.  
Чоршанба кунидан бошланса ҳар иш,  
Мукаммал битади бу иш беташвиш.

## **БОШЛАНИШДА ҚАНЧА ДАРС ЎҚИШ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА**

Бошланишда дарсни ўқигин озроқ,  
Токи ёдлаш сенга бўлсин осонроқ.  
Ўқиб тушунишга ҳаракат қилгин,  
Ўзинг фикр айла, хоҳ сўраб билгин.  
Тушунмоққа жону дилдан қанот ёз,  
Оғир дарсинг осон бўлар сенга боз.  
Дарсни кам олгину кўп айла такрор,  
Олимлар одобин айла ихтиёр.  
Уламо дейдики, олгин бир сабоқ,  
Минг марта такрорла сабоқни бироқ.  
Такрорда дангаса бўлса ҳар инсон,  
Илмда улуғлик топмас ҳеч қачон.  
Алқисса, ақлда бўлсанг сен асил,  
Меҳнатга яраша оласан ҳосил.

## РИЁЗАТДА ЎРТАЧА ЙЎЛ ТУТИШ ҲАҚИДА

Ортиқча чекмагин риёзатни ҳам,  
Заифлик етажак, қувват эса кам.  
Жаҳоннинг фаҳри ул Расули Худо,  
Деди: “Хойр ул-умур авсатуҳо”.<sup>1</sup>

## БАҲС ВА САВОЛ-ЖАВОБ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Талаба аҳлидан ким бўлса ёнда,  
Баҳс айла у билан ҳар бир замонда.  
Бироқ фикр билан ва ўйлаш билан,  
Наинки қичқириш ва талаш билан.  
Саволу жавобдан нимадир ғараз,  
Маънонинг тагига етмоқ беғараз.  
Ундан мақсад жангу ё жидол эмас.  
Ёхуд душман билан қийлу қол эмас.

## СЎЗЛАШДАН АВВАЛ ЎЙЛАШ ҲАҚИДА

Сўз учун оғзингни очганда ҳар гал,  
Сўзлашдан олдинроқ ўйла ҳар маҳал.  
Сўзлашга арзирми ўйлаган сўзинг,  
Сўз айтиб, хижолат бўлмагин ўзинг.  
Фикр қилмай, айтиб юборганда сўз,  
Хато кетиб, яна қизармасин юз.  
Ҳар сўзни айтмоқчи бўлсанг ҳар қачон,  
Аввал роса ўйла, сўнг очгин забон.

## ТАЛАБАНИНГ БЕТАМАЪ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Толиб бўлмоқ керак ҳимматда олий,  
Тамаъдан ҳамиша юраги холий.  
Тамаъ кимда бўлсин, барибир ёмон,  
Улуғ китобларда қилинган баён.  
Бировнинг молига тамаъ ҳаромдир,  
Тамаъ тамагирга охири домдир.  
Хасис ҳам бўлмагин бўлса агар мол,  
Ва ёки исрофни қилмагин хаёл.  
Тамаъ кимда бўлса унгадир зиён,  
Илм аҳли учун яна ҳам ёмон.  
Чунки олим киши бўлса тамагир,

<sup>1</sup> Ишларнинг яхшиси унинг ўртачасидир, деган ҳадисга ишора.

Ҳақни унутади, ўзи домангир.<sup>1</sup>  
Бетамаъ кишилар ҳақ сўзни кўзлар,  
Аччиқми ё ширин, кўрқмайин сўзлар.  
Илм ўқимоқдан мақсад рост сўзлаш,  
Ҳақиқат сўзини айтмоқни кўзлаш.

### **ТАЛАБА ТАВАККУЛ ҚИЛМОҒИ КЕРАК**

Таваккул бобида бўлсин у комил,  
Ризқни деб ғам учун бўлмасин ҳомил.<sup>2</sup>  
Ҳақ сенга кафили яна Раззоқдир,  
Ризқинг сени дея сенга муштоқдир.

### **ҚАЙСИ ВАҚТ ДАРС ЎҚИШ ҲАҚИДА**

Қайси ишга қилсанг жидду жаҳд қачон,  
Хоҳи фикр бўлсин, хоҳ такрор замон.  
Субҳдан аввали киришгин ишга,  
Субҳда қўяди уйқу ташвишга.  
Ҳосил бўлсин десанг қўлимда мурод,  
Тунда туриб, дарсни айлагайсан ёд.  
Дарсни такрорласанг сен вақти саҳар,  
Худонинг файзидан топарсан асар.  
“Фатово” ичига булар кирибди,  
Қанчалар ҳадисни нақл қилибди.  
Кимки субҳ пайти ухласа агар,  
Ҳазабдан етти қат замин тебранар.  
Дейди Ер Худога, изн бер менга,  
Одамни айлайин ер билан тенгга.  
Сабр қилгин, дейди Ер учун Худо,  
Қиёмат кунида бергумдир жазо.

### **ТОЛИБИ ИЛМ ЁШЛИКНИ ҒАНИМАТ ТУТМОҒИ ҲАҚИДА**

Ёшликни ғанимат билиб ҳар бир ёш,  
Ғайратни ўзига айласин йўлдош.  
Ёшлиқда қувватинг ошар янада,  
Сезгию зеҳнда, яна танада.  
Ёдлаш осон бўлар, ғайрат эса кўп,

<sup>1</sup> Домангир — муттаҳам.

<sup>2</sup> Ҳомил — кўтариб юрувчи.

Илмга ташналик, қувват эса хўп.  
Ёшлик ўтган сайин қувват кетади,  
Оз-оздан танага сустлик етади.  
Ёдлаш қийин бўлар, ҳафсала ҳам кам,  
Қувват сустлашади, аъзо номаҳкам.

## **ДАРСНИ НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА**

Дарсни осонидан бошлагин аввал,  
Токи тушунолгин ҳар бирин тугал.  
Оз-оз ўқиб, уни қилолсанг идрок,  
Аста-секин барин тушунарсан пок.  
Бора-бора охир Тангри таъоло,  
Қийин дарсларни ҳам ҳал қилар аъло.  
Сабоқ ўқиб, шундай ўтаркан замон,  
Айтилган одатни ташлама бир он.  
Такрору тафаккур айлагин бисёр,  
Токи барча маъно сента бўлсин ёр.

## **ЭШИТИЛГАН ДАРСЛАРНИ ЁЗИБ ОЛИШ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА**

Дарсни ўқиб, такрор қилганда дарҳол,  
Уларни қоғозга тез тушириб ол.  
Оғзаки эшитиб, тушунган сабоқ,  
Зеҳндан кетмоғи мумкиндир бироқ.  
Илмни тушунмоқ бўлса ҳамки ов,  
Ёзилган саҳифа унгадир бойлов.  
Уни ёзмоқликни айтсам, эй овчи,  
Заруратга лойиқ бўлгин бойловчи.  
Заруратдан ортиқ ёзмагин асло,  
Ортиқ ёзмоқ зарар, жон учун бало.  
Заруратдан ортиқ ёзилса бироқ,  
Табиатга етар ундан кўп чарчоқ.

## **ДАРС ЎҚИШДАН АВВАЛ УСТОД БИЛАН МАСЛАҲАТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА**

Агар бирор дарсни қилсанг ихтиёр,  
Устод билан аввал маслаҳат даркор.  
Қайси дарсни агар айтса бошлашни,  
Кириш унга, ташла бошни қашлашни.  
Чунки, устод яхши билар бу йўлни,  
Босиб ўтгандир у ўнг ила сўлни.

Тажрибада устод буларни билар,  
Сенга нима фойда, нимадир зарар.

### ТОЛИБИ ИЛМГА МУВОФИҚ ШЕРИК ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА

Илм таҳсилига кирган ҳамоно,  
Яхши шерик керак, лойиғу доно.  
Қобилу ҳақпараст, яна донишманд,  
Феълу ҳўи бўлсин барчадан баланд.  
Топа олсанг агар шундайин йўлдош,  
Таҳсилдан бир лаҳза кўтармагин бош.  
Илмнинг файзидан топиб кўп фойда,  
Суҳбатидан узоқ бўлма ҳеч жойда.  
Кеча-кундуз бўлгин у билан улфат,  
Ҳамдамликни асло санама кулфат.  
Суҳбатидан топиб ажойиб таъсир,  
Ажаб эмас бўлсанг илмга асир.  
Чунки бизга деди Расули акрам,  
Ҳар суҳбатда бордир катта таъсир ҳам.  
Шерик бўлса агар ёнда дангаса,  
Илмни жонидан суйиб севмаса,  
Бундайин ноқису нодондан қочгин,  
Қутулиш эшигин юзига очгин.  
Ёки бўлса агар лақмаю бебок,  
Ёки гуноҳ нима, қилмаса ҳеч бок.  
Беҳуда сўзларни тинмай вайсаса,  
Фойдасиз гапларни тилдан қўймаса.  
Бундай шерик бўлса сен учун яқин,  
Ундан зиён топар ҳам дунё, ҳам дин.  
Ёмон дўстдан создир чаёну илон,  
Улар зарар қилар зоҳирга аён.  
Ёмонлик зарари дилга етади,  
Кишининг обрўю дини кетади.

### БИР ИЛМНИ ТУГАТМАЙ, ИККИНЧИСИГА ЎТМАСЛИК ҲАҚИДА

Бошлаган илмни тугатмай тамом,  
Бошқасига яна ўтмагин, эй хом.  
Бошлаган илмни эгаллаб аста,  
Бошқа илм сари ўтгин оҳиста.  
Бирини эгаллаб, ўтгин бирига,  
Қалбингни тўлдиргин илм дурига.

Илм асносида келса агар хоб,  
Юз ила кўзингга аста сочгин об.<sup>1</sup>  
Уйқу билан яна қувилиб чарчок,  
Зеҳнингни янгилаб китоб сари боқ.

### УСТОДНИНГ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМЛИГИ ҲАҚИДА

Тамаъдан ўзини ҳамиша устод,  
Қилмоғи лозимдир поку ҳам озод.  
Ва на молу ва на унинг коридан,  
Ва на зиёфату ёхуд боридан.  
Ҳақ учун бетамаъ айласа таълим,  
Ажрини беради Худойи Карим.  
Шогирдга отадек бўлиб меҳрибон,  
Фарзандга боққандек боқсин ҳар замон.  
Барига меҳрибон назарин солсин,  
Улуғ уламога айлана олсин.  
Насиҳатни ишга солсин ҳар замон,  
Олимлик йўлини айласин баён.  
Таҳсил тариқасин ўргатиб ҳар дам,  
Илм йўлларига айласин ҳамдам.  
Ишлари тўғрими ва ёки хато,  
Баён қилсин барча ишни бехато.  
Амри маъруф, наҳйи мункарни ҳар вақт,  
Ўғлидек уларга ўргатсин фақат.  
Гарчи у шогирду сен қария пир,  
Уларни ҳеч қачон айлама таҳқир.  
Илм аҳлин кимки қилса ҳақорат,  
Куфр бўлар, иймон топади ғорат.  
Ҳеч киши сўкмасин ҳеч бир инсонни,  
Хоҳи шогирд бўлсин, хоҳ бошқа жонни.  
“Мишкот”да ёзилмиш, мўъминни сўкмоқ,  
Унга пичоқ урмай, тирик ўлдирмоқ.

### ТОЛИБИ ИЛМ БИРОВДАН ҲАФА БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА

Ҳар кимдан ҳар хил сўз эшитса толиб,  
Юрмасин бу сўзни кўнгилга олиб.  
Тортишиб у билан айламасин жанг,  
Кутурган бўридек ё мисли паланг.

<sup>1</sup> Об — сув.

Ножўя айтилган сўздан ҳеч қачон,  
Қадр ила қиммати бўлмагай хазон.  
Жимгина ишини қилса талаба,  
Гуноҳ унга бўлар, бунга галаба.

### ТАҲСИЛ ЙЎЛИ ҲАҚИДА

Талаба қачону қайда бўлмасин,  
Қаламу қоғозни қўлдан қўймасин.  
Фойдали ҳар сўзни эшитган замон,  
Қоғозга тушириб олсин у равон.  
Чунки илм ҳуркиб қочувчи овдир,  
Ёзиб қўймоқ эса унга бойловдир.

### ТАЛАБА ДОИМ ДУО ОЛМОҒИ КЕРАК

Сидку сафо аҳли бўлса ҳар инсон,  
Мўйсафид, юраги доноликка кон.  
Ва ёки кўчада бўлсин девона,  
Худонинг дўстлари бўлса ҳар ёна,  
Бундаин зотлардан дуо ол, дуо,  
Дуодан қолмагин субҳ ила сабо.  
Дуодан улуғ иш зоҳир бўлгуси,  
Кўп қийин ишларни осон қилгуси.  
Ота билан она ва яна устод,  
Дуоси бағрингни қилади обод.  
Улардан бирининг қилган дуоси,  
Шояд ижобатнинг бўлса асоси.  
Бечора, фақир у ожиз, нотавон,  
Ҳар кимса бу йўлда бўлса саргардон.  
Улар бўлса ҳамки бенаво фақир,  
Ҳеч қачон уларни айлама таҳқир.  
Чунки кўринса ҳам кўплар хору зор,  
Ботинда Ҳақ нури унга бўлар ёр.  
Бундаин кишига гапирсанг кўпол,  
Ҳолинга вой бўлар, ҳаётинг увол.  
Дин ила дунёинг кетади бодга,  
Мубтало бўлади жонинг фарёдга.  
Кўплар саҳардаги битта дуодан,  
Бахти ошиб кетди ҳатто самодан.  
Кўпларни тундаги бир қилган дуо,  
Дину дунёсидан айлади жудо.



## ТОЛИБИ ИЛМНИНГ ТАҚВОГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Яна лозимдирки, ҳар битга толиб,  
Ҳақнинг тоатини кўнгилга солиб,  
Таҳсил айёмида тақвода бўлсин,  
Тақво нури билан вужуди тўлсин.  
Илтифот қилдилар, Сарвари олам,  
Талаб аҳли тақво қилмаса ҳар дам,  
Уч бало тўрига уни ногаҳон,  
Мубтало қилади Халлоқи жаҳон.  
Ёки ёшлигида ўлиб кетади,  
Ёки лашкарликдан офат етади.  
Ёхуд шоҳ хизматга қилади равон,  
Ҳаётда булардан топади зиён.  
Илм таҳсилида бўлса парҳезгар,  
Илмни жиловлаб, бошини эгар.  
Тақвога яраша фойда олади,  
Фаросат онгига шуур солади.  
Илм бўлар охир унинг асири,  
Кўп фойда келтирар унинг таъсири.

## ТАЛАБАНИНГ ШУБҲАЛИ ТАОМЛАРДАН ҚОЧИШИ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Шубҳали таомдан қўлингни ювгин,  
Бозор овқатини кўнгилдан қувгин.  
Бозор аҳли Худо ёдидан узоқ,  
Покликдан бўлади овқати йироқ.  
Камбағал назари тушар мисли ўқ,  
Сотиб олай деса, бироқ пули йўқ.  
Шул сабабдан дили топади озор,  
Муборак саналмас бу овқат, эй ёр.

## ТАЛАБАНИНГ БЕМАЪНИ СЎЗЛАРДАН ҚОЧИШИ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Ғийбату бемаза ҳар қандай сўздан,  
Эшитиш истагин қувгайсан ўздан.  
Бемаза сўз дилни сиёҳ қилади,  
Зеҳннинг созлигин табоҳ қилади.  
Яна табиатни қилади хира,  
Ёқимсиз феълларни қилар захира.  
Бундайдан одамлар меҳри қочади,

Ота ғазабига йўлни очади.  
Отадан сўраса бундай бола мол,  
Ота мол бермоқдан топади малол.  
Бу ҳолат толибни ғамга солади,  
Оқибат ўқишдан оқсаб қолади.  
Отага “оқ” бўлса, не кечар ҳоли,  
Қиёматда қандай бўлур аҳволи?!

## **ИЛМ ЎҚИЁТГАНДА ҚАНДАЙ ЎТИРИШ КЕРАК**

Ўзаро дарс қилиб ўтирган замон,  
Ёки дарс такрорин бошласа ҳар он,  
Юзини қиблага ўгирмоқ керак,  
Доимо шу ҳолда ўтирмоқ керак.

## **ХОТИРАНИ ЎСТИРАДИГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА**

Бир неча нарсани айтай, хотира —  
Толибнинг ақлида бўлмагай тийра.  
Аввали — тинимсиз машқ ила такрор,  
Такрордан хотира бўлар беғубор.  
Яна обу овқат еса агар кам,  
Қуръонга кўз солиб ўқиганда ҳам.  
“Оят ул-Курси”дан хотира ошар,  
Талаб аҳли бунга кечикмай шошар.  
Хушуъ билан агар ўқилса намоз,  
Такво ҳам қўшилса ғоят бўлар соз.  
Расули Худога кўплаб саловот,  
Айтилса ҳифзга бағишлар ҳаёт.  
Асал еса, яна ишлатса мисвок,  
Кундалик ҳаётда юрса доим пок.  
Одат қилса агар шакар емоқни,  
Тарк этар хотира пастдир демоқни.  
Яна яхшилардан олганда дуо,  
Қуввайи ҳофиза бўлади аъло.  
Наҳор пайти яна йигирма битта,  
Қизил майиз топиб есин албатта.  
Хотира кўпайиб, иллат кетади,  
Иллатдан баданга нажот етади.  
Балғам камаяди, рутубати ҳам,  
Қувват кўпаяди, саодати ҳам.  
Рўза тутса кимки хотира ўсар,  
Рўза офатларнинг йўлини тўсар.

## ХОТИРАНИ КАМАЙТИРАДИГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Нимадир, хотира ундан кам бўлар,  
Зеҳни пастлатар, дилда ғам бўлар?  
Аччиқ олма билан кашнич кўп емоқ,  
Шубҳали таомдан тановул қилмоқ,  
Яна қабрларнинг хатини ўқиш,  
Туялар ичидан юришу ўтиш.  
Ўзга тарафида сочин тузатмоқ,  
Икки аёл турса, орадан ўтмоқ.  
Номаҳрам кишига ташласа назар,  
Ё масжид ичига сўлагин ташлар.  
Қозонга қўл солиб еганда овқат,  
Ёки жунуб бўлса ё қилса гийбат.  
Бисмиллоҳ демасдан ё еса таом,  
Ёки ҳазил-ҳузул қилганда мудом.  
Хотира бузади буларнинг бари,  
Бу хислат бўлади одамдаң нари.  
Яна маъсиятдан юз берар нисён,  
Яна сабаб бўлар қайғу ва армон.  
Дунё ишларига уринса зиёд,  
Уни-буни дея кўтарса фарёд.  
Емишким, балғамни зиёда айлар,  
Унутиш эшигин кушода айлар.  
Бошнинг орқасидан олдирса ҳам қон,  
Зеҳн пастлигини келтирар равон.  
Ҳожатда қиблага қараб ўтирса,  
Ё сичқон тегинган овқатни еса.  
Қайдаки кул бўлса, устига сиймоқ,  
Нордону аччиқдан ортиқча емоқ.  
Яна беадаблик қилса устодга  
Хотира булардан кетади бодга.  
Буларнинг барчаси уни кам қилар,  
Ҳофиза йўқолиб, дилда ғам қилар.

## РИЗҚНИ КЎПАЙТИРАДИГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Эшит, ризқни энди қилайин баён,  
Унинг сабабларин айлайин аён.  
Ризқнинг сабабларин билсанг агар соз,  
Хушуъу хузуъда ўқилган намоз.  
Ҳар кимда мана бу тўрт нарса бордир,  
Унинг ризқи рўзи доимо ёрдир.  
Бири намоз вақти кирмасдан аввал,

Мукаммал таҳорат олса ҳар маҳал.  
Бири ҳали азон айтилмай туриб,  
Масжид сари хиром айласа юриб.  
Бири тамом бўлгач “Витр” намози,  
Дунё деб чиқмаса агар овози.  
Бири ухламаса субҳидан аввал,  
Булар ризқ ғамини қилажакдир ҳал.  
Хайру садақага қилса ҳам одат,  
Нийятни соз қилса, бу ҳам саодат.  
Субҳида уйқудан бўлса гар бедор,  
Барака бўлғуси одам учун ёр.  
Барча неъматида барака пайдо,  
Қилади меҳрибон Қодир Худоё.  
Яна ҳар ким тунда ўқиса агар,  
Сураи “Воқиъа” ризқини топар.  
Яна бордир икки сура муборак,  
Яъни “Ёсин” билан яна “Таборақ”.  
Хати бўлса созу каломи ҳам соз,  
Хулқи гузал бўлса, ризқи бениёз.  
Уйи супурилса, ҳовли озода,  
Идишлар ювилса, ризқи зиёда.  
Булар ризқ келтирар ва яна давлат,  
Оқил буни қўлдан қўймагай ҳеч вақт.  
Гапирмаса асло беҳуда сўзни,  
Ризқи рўзли кўрар ҳар киши ўзни.

## **РИЗҚНИ КАМАЙТИРАДИГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА**

Аллоҳ мадад қилса, энди айтайин,  
Фақирлик сабабин тугал битайин.  
Ҳар кимса субҳида уйқуга ботар,  
Ва ёки ўрнида яланғоч ётар.  
Ортиқча уйқудан ризқ бўлар хароб,  
Яланғоч ҳолида қилса ҳам пешоб.  
Жунуб ҳолатида ейилса таом,  
Фақирлик келади, ризқ эса тамом.  
Ноннинг ушоғини ташласа киши,  
Ризқидан кўпаяр унинг ташвиши.  
Пиёзу саримсоқ пўстин куйдирмоқ,  
Ўзининг ризқини ўзи ўлдирмоқ.  
Уйнинг ахлатини олмай, қолдирса,  
Улуғлар олдига тушиб, йўл юрса.  
Отаю онани номини айтиб,  
Чақирса, ризқ кетар, келмагай қайтиб.

Ҳар хил чўплар билан кавланса ё тиш,  
Ёки халожойда таҳорат олиш.  
Ёхуд остонага ўтирса одам,  
Беҳуда бозорга қўйса ҳам қадам.  
Ёки узоқ юрса бозорда киши,  
Бундан пайдо бўлар фақирлик иши.  
Қўлни ювса кепак, лойу тупроқда,  
Ризқидан бўлади доим фироқда.  
Эшикка ён билан суяниб турмоқ,  
Тик туриб либосга нинани урмоқ.  
Этагу енг билан артинса киши,  
Ризқидан албатта ортар ташвиши.  
Ўргимчак инини уйда қолдирмоқ,  
Фақирлик оловин жонга солдирмоқ.  
Намозга қараса яна бепарво,  
Бу йўлда қоҳилу сузлик нораво.  
Ва ёки масжиддан тез юриб чиқмоқ,  
Ўзини фақирлик қўйига урмоқ.  
Ёки гадолардан сотиб олса нон,  
Фақирлик ўтини кўрар бегумон.  
Ризқни кесар яна бировни сўкмоқ,  
Бахил бўлиб, қарам қўлини юммоқ.  
Саллани ўраса бошга тик туриб,  
Ечилса, кийилса иштон ҳам юриб.  
Отаю онага қилма дуо кам,  
Сенинг вазифангдир билиб қўй бу ҳам.  
Пуфлаб ўчирилса уйдаги чироқ,  
Дуойи бад қилса болани ҳар чоқ.  
Ўликни олдида ейилса таом,  
Қафшнинг тагига боқса ҳам мудом.  
Идишнинг четидан сув ичса агар,  
Олимлар пандини тингламаса гар.  
Ёлғону рост сўзнинг бўлмаса фарқи,  
Юзидан нур кетар, ўзидан ризқи.  
Саримсоқ, пиёзни еса агар хом,  
Тинимсиз уйқуда бўлса ё мудом.  
Устоднинг ҳурматин қилса агар кам,  
Ўзига бу одам қилибди ситам.  
Қаламнинг қипигин ерда қолдирмоқ,  
Қўл ювмай, қўлини таомга урмоқ.  
Отаю онани айлагин рози,  
Салом бермай, элни қилма норози.  
Таомни емагин қозон ичида,  
Овқатга қўл урма катта кўчада.

Ризқингни кесади ҳар битта гуноҳ,  
Гуноҳдан пок дилинг бўлади сиёҳ.  
Хусусан ҳар киши гапирса ёлғон,  
Ризқи кам бўлади, кўзлари гирён.  
Тирноқни тишингда тишлаб узмагин,  
Фақирлик ўтида куйиб тўзмагин.  
Бурун билан огиз сувини хало,  
Ичига ташлама, бўлади бало.  
Кўйлакни чап қўлдан киймагин, эй ёр,  
Ўнг қўлдан ечмагин уни сен зинҳор.  
Етимга азият етқизсанг агар,  
Ризқ-рўзинг камайиб, охири тугар.  
Уйкуга ётганда саллаю иштон,  
Бошингда бўлмасин сени ҳеч қачон.  
Поданинг ичидан ўтмагин асло,  
Айлама ўзингни ўзинг бенаво.  
Пиёзу саримсоқ, тухум пўчоғин,  
Ёндирса, фақирлик очар қучоғин.  
Челакнинг устига ёпмасанг қопқоқ,  
Эй беҳуш, фақирлик етажак шу чоқ.  
Икки қўл бармоғин бир-бирга сукма,  
Фақирлик кўйига бошингни тикма.  
Қўлингни остида бўлганларни хор,  
Ё диндор кишини хор тутсанг зинҳор.  
Ё бойни моли деб айласанг иззат,  
Динингни уч қисми кетар ўша вақт.  
Хусусан хор қилса олим кишини,  
Фақирлик синдирар унинг тишини.  
Хасису пасткашга бермагайсан мол,  
Жоҳилу нодонга берсанг ҳам увол.  
Оёқни чалмашиб ўтирса ёмон,  
Ёмондир халода сўзлаган замон.  
Оёқни ўнг қўлда ювса ёмондир,  
Давлати қолмоғи қўлда гумондир.  
Ёки қўлни ювмай еганда таом,  
Ризқига зарарни келтирар мудом.  
Ҳар ким узса соқол толасин тишда,  
Ризқидан бўлади охир ташвишда.  
Қуёш билан Ойнинг қаршисида эр,  
Авратин очганда бўлади фақир.  
Ҳар ким қўшнисига айласа ситам,  
Бенаво бўлади, ризқи эса кам.  
Ўзга тароғида тараммагин соч,  
Аёл орасидан ўтмоқдан ҳам қоч.

## УМРНИ УЗАЙТИРАДИГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Силайи раҳмдан умр кўп ошар,  
Ҳақни ризо қилган ҳам узоқ яшар.  
Яна кексаларни айласа иззат,  
Ҳеч кимга ҳеч қачон бермаса заҳмат.  
Яна яхшилардан олганда дуо,  
Узоқ умр ато қилғуси Худо.  
Мевали дарахтни кесмаса киши,  
Умрдан бўлмагай асло ташвиши.  
Яна тонгда қилса киши таҳорат,  
Саҳархез бўлмоқни айласа одат.  
Бунинг бари қилар умрни узун,  
Иллату дардларнинг кўрмагай юзин.

## КИТОБНИНГ ХОТИМАСИ ҲАҚИДА

Нимаки ёзибман бунда, биродар,  
Кўп узун эди у, қилдим мухтасар.  
Унга боқиб ўзинг, айласанг инсоф,  
Ҳасаддан дилингни қилажақдир соф.  
Каломи сўзлагай сидқу савобдан,  
Барини олганман танлаб китобдан.  
Ҳар ким бўлса агар илм талабда,  
Вазифа айласин рўз ила шабда.  
Илмнинг йўлида бу назм билан,  
Амалга киришсин зўр жазм билан.  
Айтган сўзларимга қилса у амал,  
Илмнинг бобида бўлгай мукаммал.  
Бу боғнинг ичида қилсангиз сайр,  
Нозимга айлангиз дуойи хайр.  
Илоҳим, мақсадга етқизгин Ўзинг,  
Кўнгилдан губорни кетқизгин Ўзинг.  
Раҳматинг сочқайсан чун абри баҳор,  
Расулинг ҳурматин қилиб эътибор.  
Яхшилар туфайли аҳли яқинга,  
Раҳматинг соч яна Фиёсуддинга.  
Яна бу котибдир ғариқи гуноҳ,  
Мағрифат айлагин анга, ё Аллоҳ.

Ар-роқим Сирожиддин Махдум.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Котиб Сирожиддин Махдум (Сидқий Хондайлиқий) эканига ишора.  
Котиб охириги байтни ўзидан қўшиб қўйган.

## МУНДАРИЖА

Улуғ тўй туҳфаси. <i>К. Норматов</i> .....	3
Бурҳонуддин ал-Марғиноний буюк фақиҳ олим .....	5
Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асари .....	6
Ал-Марғинонийлар сулоласи .....	8
Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг илм, олим ва толиби илм ҳақидаги фикрлари .....	11
Устозга эргашган шогирд .....	16
Аз-Зарнужийнинг шеърдаги фикрлари .....	18
Аз-Зарнужий — илм тарғиботчиси .....	20
“Таълим ул-мутаъаллим”нинг шарҳлари ва таржималари .....	22
Хулоса .....	24
“Одоб ул-мубин” .....	25

---

Адабий-бадний нашр

**Маҳмуд Ҳасаний**

**УСТОД ВА ШОГИРД**

**БУРҲОНУДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ  
ВА  
ШАЙХ УЛ-ИМОМ АЗ-ЗАРНУЖИЙ**

Мухаррир *Ж. Субҳон*  
Мусаввир *М. Карпузас*  
Бадний муҳаррир *А. Бобров*  
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*  
Кичик муҳаррир *Н. Фозилова*  
Мусаҳҳиҳ *М. Насриддинова*

ИБ № 3840

Босишга 28.06.2000 да рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>, 2,94 шартли босма тобоқ, 3,0 нашр босма тобоғи. Жами 2000 нусха. 1119 рақамли буюртма. 34–2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмаҳонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.